



Ҳажингиз мабрур бўлсин

Ҳаж Исломнинг асосий рукнларидан бири, қодир бўлган мўмин-мусулмон умрида бир марта адо этиши фарз ибодат саналади. Шунинг учун ҳам давлатимиз юртдошларимизнинг ҳар йили ана шу муҳим ибодатни эмин-эркин, қулай шароитларда адо этишларига барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Бу йил ҳам беш мингдан ортиқ ҳожи табаррук диёрга ҳаж сафарига бориб, ибодатларни эсон-омон адо этиб, қайтди.

Республика раҳбарияти эътибори туфайли ҳожиларимиз қулай, ибодат жойларига яқин меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Автоулов билан таъминлаш, ҳожилар саломатлигини муҳофаза этиш юксак даражада ташкил этилди.

Ҳожиларимиз бу йил етгита – Тошкент, Наманган, Термиз, Бухоро, Урганч, Самарқанд ва Қарши вилоятларидан тўғридан-тўғри Саудия Арабистонига бориб-қайтишди.

Мадинаи мунавварада юртдошларимиз Масжиди набавийнинг ёнгинасидаги “Тоййиба” меҳмонхонасига жойлашди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларини, Равзаларини зиёрат қилишди. Шунингдек, ҳожиларимиз Уҳуд тоғи, Масжидул Қиблатайн ва Кубо масжидларига ҳам боришди.

Яхши шарт-шароитлар ва қулайликлардан ҳожиларимиз жуда мамнун бўлишди. Мутасаддиларга самимий миннатдорлик билдиришди.

Сафар давомида айрим юртдошларимиз ҳаяжон билан сўзлаб берган таассуротларини ён дафтарга ёзиб олган эдим. Уларнинг дил изҳорларида, жумладан, бундай дейилади:

Эркин Бўронов (Самарқанд вилояти):

– Бу ерда одам истиқлол қанчалик катта неъмат эканини яна бир бор ҳис этаркан. Ота-боболаримизга насиб этмаган улуғ ибодат бизга насиб этди. Яратган Эгамга ҳамду санолар айтаман, қолаверса, ибодатларимизни мукамал адо этишимизда туну кун беминнат

хизмат қилган ишчи гуруҳ аъзоларига, ошпазларга, ширинсўз шифокорларга ташаккуримни изҳор этаман. Бу ерда инсонда ўзгача ғайрат пайдо бўларкан. Мен Маккаи мукаррамада кексайиб қолган чоллар ва кампирларнинг ҳаж амалларини қандай шижоат билан бажараётганларини кўриб ҳайратга тушдим. Каъбани тавоф қилаётганларида ёки Сафо билан Марва оралиғида саъй этаётганларида ёшлардан ғайратлироқ эдилар. Ихлос ва муҳаббат одамга қувват берар экан.

Ҳолида Холтоева (Тошкент вилояти):

– Ҳаж сафари давомида бошқа диёрлардан келган зиёратчилар билан суҳбатлашдик, улар ўзбекистонлик ҳожиларга яратилган шароитларга ҳавас билан қарашларини, бизга жуда яхши хизмат кўрсатилаётганини эътироф этишди.

Ҳаж кунлари бир неча миллион одамни буюк бир интизом бошқариб туради. Бундай тартиб фақат Аллоҳ таоло фарз қилган ибодатни адо этишга тўпланганлари учун берилади. Уларни буюк бир мақсад руҳан бирлаштиради. Бундай пайтларда ҳеч ким бир-бирига бегона эмас. Одамлар бир-бирларининг исмларини билмайди, лекин жуда яхши танийди. Ирқи, миллати бошқа-бошқа, аммо оға-инилардай қадрдон.

Маккаи мукарраманинг юраги – Масжидул Ҳаром зиёратига, Каъба тавофига ошиқаётганлар тўлқинини кўриб, жисмоний толиқишлар сезилмай қолади, тоза ва роҳатбахш илҳом қалбингизни тўлдиради. Бундай туйғуни кўнгилдан ўтказишнинг ўзи бахт.

Аллоҳ таоло бизларга ато этган неъматлар ичида энг улуғи имон, холис ибодат бўлса, ҳаж мавсумида бу неъматнинг завқ-шавқи энг юксак даражага чиқишини чин юракдан туйдим.

Муҳаммадбобур Йўлдошев,

*Дин ишлари бўйича қўмита
Масжидлар бўлими бошлиғи*

Энг гўзал насиҳатлар

Каъбул Аҳбор (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади. Аллоҳ таборака ва таоло айтади:

– Эй Одам боласи, Мендан бошқадан ҳожатларингни тиламагин. Қаерда Мени изласанг, ўша ерда топасан. Мен сенга бўйин томирингдан ҳам яқинроқман.

– Эй Одам боласи, сени тупроқдан яратишим Мени қийнагани йўқ, сенинг ризқингни етказишга қийналанманми?! Албатта, ҳар қаерда бўлсанг ҳам, сенинг ризқингни етказаман.

– Эй Одам боласи, албатта, Мен сени ҳеч қандай ҳаракатинг ва қувватинг йўқлигида онангинг қорнида тарбияладим ва онанг қорнидан соғ-саломат ҳолда чиқардим. Онангни сенга меҳрли қилдим, у сени тарбиялаб турди. Сен ўсиб улғайдинг. Менга ибодат қилишинг учун сенга ақл ва қувват бердим. Менга ибодат этиш ва зикримни қилишга бепарво бўлдинг. Сенга тақсим қилинган ризқ билан машғул бўлдинг. Иззатим ва улуғлигимга қасам, етти қават ер остига кирсанг ҳам, тақсим қилган нарсамдан бир мисқол ҳам зиёда қилмайман.

– Эй Одам боласи, нарсалар учтадир. Уларнинг бири Менга тегишлидир. Бири Мен билан сенинг орамиздадир. Бири сендадир. Сендан дуо (талаб қилиш), мендан қабул қилиш. Менинг ҳузуримда талабинг тўхтатилмас, магар ҳаром ейишинг билан тўхтатилади.

– Эй Одам боласи, камбағал бўлиб қолишдан кўрқишинг, қалбингда дўзах ўтидан кўрқишни йўқотади. Орзу-ҳавасни кўп қилишинг, охират учун амал қилишдан қайтаради. Молу дунёга ҳирс қўйишинг қалбингдан Менга бўлган муҳаббатни сўндиради. Мендан бошқадан иззат талаб қилишинг, Менинг муҳаббат назаримдан тушишингга сабаб бўлади. Менга ибодат қилувчиларни яхши кўришинг Менинг муҳаббатимга яқинлаштиради. Мени ёмон кўрувчиларни ёмон кўришинг бало-офатларимдан сени узоқлаштиради. Ғазабланганингда ҳам тўғри ва адолатли бўлишинг мартабангни кўтаради. Яширин садақа бериш билан Менинг розилигимни топасан. Мусибат ва қайғуларни яшириш билан яхшилардан бўласан.

*(Қудсий ҳадислар маъноларидан олинган бу насиҳатларни
Имом Зариф Амирхоний 1909 йили чоп эттирган.)*

«HIDOYAT»

Ойлиқ диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
«Мовароуннаҳр» нашриёти

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулхамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин АЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мухтарама УЛУҒОВА

Хаттот

Ислом МУҲАММАД

Бадий муҳаррир

Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

Манзилмиз

100002, Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47^а-уй;
Тел: 227-34-30, 240-05-19.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: m-nashr@yandex.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 14 ноябрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2013 йил 15 ноябрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Адади 60.791 нуска.
3214 - сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясида босилди.
Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.

*Қўлёзмалар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин. Келти-
рилган иқтибос ва рақамлар учун муал-
лиф масъул. Хат юборилганида исмлар
тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.*

*Журналимиз саҳифаларида оят
ва ҳадислар берилётгани учун
уни ноҳоиз жойларга ташла-
маслигингизни сўраймиз.*

ТАФСИР

ҲУЗУРИНГДАН РАҲМАТ АТО ЭТ 4

Фахруддин Розий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: «Оятдаги “раҳмат”дан мурод булардир: имон, тавҳид ва маърифат нури; ибодатлардаги мукаммаллик; ҳаётни енгиллаштирувчи соғлик, омонлик ва бекаму кўстлик; жон чиқиши ва қабрдаги савол-жавобда енгиллик; охирадда гуноҳлар кечирилиб, жаннатга ноил бўлиш».

ҲАДИС ШАРҲИ

АРШНИНГ СОЯСИДАГИЛАР 8

Инсон Аллоҳ таолони эслаган вақтда кўзига ёш тўлиши унинг тақвоси, Парвардигорига этишиш ва жаннатда гўзал жамолини кўришга иштиёқининг баланд эканидан дарак. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Ким Аллоҳ таолони зикр қилиб (эслаб), кўрққанидан икки кўзига ёш келиб, ерга оқса, Қиёмат куни азобланмайди” (Имом Ҳоким).

МАСАЛА

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ... 16

Савол: “Макруҳ” нима дегани?
Жавоб: “Макруҳ” луғатда яхши кўрилмайдиган, нохуш нарсани билдиради. Истилоҳда эса, қилмаслик талаб этилган, лекин далили қатъий бўлмаган ишларга “макруҳ” дейилади.

ХАБАРЛАР

ИСЛОМ ВА ОЛАМ 20

ЯНГИЧА ИШЛАШ УСЛУБИ
Жаҳонда исломий банклар, суғурта ширкатлари ва жамғармалар ишлаш тизими қайтадан кўриб чиқилди. Ислום молияси тизимини назорат қилувчи халқаро ташкилот мижозлар билан муомала қилиш услубининг энг қулай ва фойдали томонларини тавсия этди.

МУНДАРИЖА

Ҳаж – 2013

Муҳаммадбобур ЙЎЛДОШЕВ

Ҳажингиз мабрур бўлсин 1

Таянч нуқта

Энг гўзал насиҳатлар 2

Ҳаж таассуротлари

Абдувоҳид НАЗАРОВ

Шукрона 5

Бугуннинг гапи

Нигора МИНОВАРОВА

Маҳаллада отинойиларнинг ўрни 6

Убудият

Шахло БИЛОЛИДДИН қизи

Зикрларнинг улўғи 7

Яхшиликка чақириш

Азимжон АЛИМЖОНОВ

Кимлигинг сўзингдан билинар 10

Қуръонни ўрганамиз

Имом Ҳафс ибн Сулаймон

(раҳматуллоҳи алайҳ) 11

Диний идорамизнинг 70 йиллиги

Муҳаммадрасул АБДУЛЛАЕВ

Илмга баҳшида умр 12

Ибратли ҳикоя

Ойнали хона 13

Аёллар саҳифаси

Карима САЛИМЖОН қизи

Қайноналарга... 14

Мактубларда манзаралар

Зебунисо ҲУСАЙН

Сен ҳақингда хотира ёздим... 15

Долзарб мавзу

Акмалхон НИЗОМОВ

Маънавиятимиз кушандалари 18

Мулоҳаза

Нигора АБДУМУХТОР қизи

Кучга яраша ҳисоб 19

Мовароуннаҳр уламолари

Низомжон УБАЙДУЛЛАЕВ

Замонасининг пешволари 23

Шеърят

Ориф ТОЛИБ

Тилак 24

Муҳаммад АҲМЕДОВ

Ҳеч ким 25

Мунисахон ҲАМИДОВА

Насиҳат 25

Муносабат

Мунира АБУБАКИРОВА

Ҳолвайтарнинг “савоби” 26

Обуна

Яхшиликка ундаш ҳам яхшиликдир 27

Тадқиқот

Тоҳир ҚАҲҲОР

Асҳоби қаҳф ўзбек адабиётида 28

Олисларга саёҳат

Руминия Республикаси 30

Болалар саҳифаси

Муҳаммад ЗИЁ

Нимани унутиш керак 32

Ҳузурингдан раҳмат ато эт

“Эй Раббимиз, бизни ҳидоят йўлига солганингдан кейин дилларимизни (тўғри йўлдан) оғдирма ва бизга ҳузурингдан раҳмат ато эт! Албатта, Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни текин ато этувчи)дирсан” (Оли Имрон, 8).

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ
إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ
رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ

Аллоҳ таолонинг муҳаббати, раҳмати, фазли чексиз. Ушбу ояти каримада мўминларга дунё ва охират саодатига эришишлари учун энг яхши дуо таълим берилмоқда.

“Эй Раббимиз, бизни ҳидоят йўлига солганингдан кейин дилларимизни (тўғри йўлдан) оғдирма”. “Ҳидоят йўлига солганингдан кейин” яъни, Ўзинг рози бўлган динингга муваффақ қилганингдан сўнг бизни ҳақ ва ҳидоят йўлидан оғдирма” (Бағавий тафсири).

Тилимизга “оғдирма” деб таржима қилинган «لَا تُزِغْ» сўзининг ўзаги “зайғун” тўғрилиқдан оғиш, ҳақдан четланиш маъноларини беради. Оятнинг тафсири бундай: “Ё Аллоҳ, Сендан сўраймиз ва Ўзингга ялинамиз. Ҳидоятда собит қилиб, унда истиқомат қилдирганингдан сўнг қалбларимизни шу ҳидоятдан айирма. Ўзинг рози бўлмайдиган оғишни, қалбларни бузувчи ва кўзларни кўр қилувчи залолатни биздан узоқ қил”.

“Бизга ҳузурингдан раҳмат ато эт!” Яъни, “Ўзингнинг марҳамат ва неъматларингга бизни ноил айла. Улар билан кўнгиларимизни хушнуд эт ва ҳолатимизни яхшила”. “Албатта, Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни текин ато этувчи)дирсан”,

яъни фақат Ўзинг неъматларни миннатсиз берувчисан.

Фахруддин Розий (раҳматуллоҳи алайх) айтади: «Оятдаги “раҳмат”дан мурод булардир: имон, тавҳид ва маърифат нури; ибодатлардаги мукамаллик; ҳаётни энгиллаштирувчи соғлик, омонлик ва бекаму кўстлик; жон чиқиши ва қабрдаги савол-жавобда энгиллик; охиратда гуноҳлар кечирилиб, жаннатга ноил бўлиш».

“Албатта, Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни текин ато этувчи)дирсан”. Яъни, “Сендан талаб қилаётганим нарсалар мен учун жуда катта. Сен учун арзимасдир. Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни эвазсиз ато этувчи)дирсан. Мискин бандангни умидини сўндирма, дуосини қайтарма. Уни Ўз раҳматингга олганларинг қаторидан айла”.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайх) ва бошқалар ояти карима тафсирида баъзи ҳадиси шарифларни келтиришган. Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

кечаси уйғонсалар, ушбу дуони ўқирдилар: “Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен нуқсонлардан поксан. Гуноҳим учун Ўзингга тавба қиламан ва раҳматингдан умидворман. Ё Аллоҳ, илмимни зиёда қил. Ҳидоят қилганингдан сўнг дилимни тўғри йўлдан оғдирма. Менга ҳузурингдан раҳмат ато эт. Албатта, Сен Ваҳҳоб (барча неъматларни текин ато этувчи) дирсан”» (Имом Абу Довуд, Имом Насоий, Ибн Мардавайх).

Шаҳр ибн Ҳавшаб (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: «Мен Умму Салама онамиздан (розияллоҳу анҳо): “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизнинг уйингизда бўлганларида қайси дуони кўп ўқир эдилар?” деб сўрадим. Онамиз (розияллоҳу анҳо) У зотнинг (алайҳиссалом) энг кўп айтадиганлари бу эди: “Эй қалбларни бурувчи Зот, қалбимни динингда собит қилгин” дуоси эди. Мен: “Ё Расулуллоҳ (алайҳиссалом) нима учун “Эй қалбларни бурувчи Зот, қалбимни динингда собит қилгин” дуосини кўп айтасиз?” деб сўрадим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Эй Умму Салама, қалби Аллоҳ таолонинг измида бўлмаган ҳеч бир одам йўқ. Хоҳлаганини тўғри йўлда собит қилади. Хоҳлаганини ундан оғдиради”, дедилар» (Имом Термизий).

Тантовий ва Бағавий тафсирлари асосида
Сора ҲУСАЙН қизи тайёрлади.

Агар киши нафсида қўрқинч ва умид аломатини билса, у ишончли ишни ушлабди. Қўрқинч аломати – Аллоҳ таоло ман қилган нарсалардан қайтиш. Умид аломати – Аллоҳ таоло буюрганларини қилиш.

Молик ибн Динор



ШУКРОНА

Яратганга шукрлар бўлсин, бу йил менга ҳам кўпгина юртдошларим қатори ҳаж ибодатини бажариш насиб қилди.

Биз Мадинаи мунавварада Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларини зиёрат қилдик. Маккаи мукаррамада ҳаж амалларини адо этдик. Мутасадди идоралар ходимлари бизга яқиндан кўмак беришди. Қулай шароитлар, хизматга шай турган автоуловларни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳар доим кексаларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турган шифокорлар хизмати ҳам севинтирди.

Ота-боболаримизнинг орзуси бўлган бундай улў жойларни кўриш ва у ерларда ибодат қилиш насиб этгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамыз. Ватандан анча узоқда, ўзга юртда бўлса ҳам кадр-қиммат, иззат-икромга эга бўлганимизни ҳис этдик. Бу ҳол кишининг элу юртга садоқатини янада юксалтиради.

Абдувоҳид НАЗАРОВ,
Тошкент

Маҳаллада отинойиларнинг ўрни

Минг йиллик урф-одатларимиз, расм-русумларимиз маҳаллаларимизда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Миллий қиёфамиз сифатида улар соф ва асл ҳолатида сақланишида энг аввало маҳалла фаоллари, маънавияти бой ёши улуғларимиз, дуоғўй қарияларимиз ҳамда отинойиларнинг хизматлари катта.

Маҳаллада аёл-қизларнинг маънавий дунёсини бойитишга ёрдам бериш, маросимларни диний қадриятлар асосида ўтказишга бошчилик қилиш отинойиларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда замон талаби ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб отинойиларнинг вазифалари доираси анча кенгайди. Айрим бузғунчи кучлар шум ниятларини амалга ошириш учун диққатларини биринчи навбатда ёшлар ва аёлларга қаратдилар. Бугун ғаразғўйларнинг фикрини фош этадиган фикр, уларнинг ғоясига қарши ғоя билан, жаҳолатиға эса маърифат билан қарши тура олиш керак.

ОТИНОЙИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Отинойиларни, аввало, фақат диний маросимларда иштирок этадиган, диний мавзуларда насихату маърузалар қиладиган инсонлар деб тушунилиши нотўғри. Отинойиларнинг ўзлари ҳам бундай фикрда бўлмастиклари лозим. Бугун отинойи диний билимлар билан бир қаторда дунёда кечаётган тарихий жараёнлар, хусусан, юртимиздаги тараққиёт, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жамиятимиз маънавий, диний ҳаётида ҳам юз бераётган ижобий ўзгаришлардан бохабар бўлиши лозим. Дунёнинг турли бурчакларида халқларнинг зарар ва талофат кўришларига сабаб бўлаётган давомий низолар, миллий ёки диний асосдаги келишмовчиликларга холис баҳо бериб, хулоса чиқара билиши керак.

Отинойиларнинг атрофидаги аёлларга таъсири ҳақида сўз борар экан, аввало, уларнинг маҳалла-қўйда тутган мавқеи, фуқаролар орасидаги обрў-эътибори ҳам аҳамиятли. Зеро, ҳурмат-эътиборга сазовор диний-маърифий ходимнинг сўзи таъсирчан бўлади. Унинг ўзи ва оиласи бошқаларга ўрнак бўла олиши талаб қилинади.

“Оммавий маданият” каби маънавий хуруж тобора авж олаётган бугунги кунда ёшларимизга, хусусан, аёл-қизларга ўзбек халқининг маданияти, дунёқараши азал-азалдан ўзига хос бўлгани, кийиниш одоблари, иффат, ибодат-ҳаёти каби қадриятларни сингдириб бориш даркор. Бунинг учун эса отинойининг ўзи ҳам сўзлаш одоби, кийиниш маданиятига эътибор қаратиши керак. Бўй-баста, юриш-туришига, қаерда ва кимлар орасида эканига қараб, либосига аҳамият бериши даркор.

Отинойиларнинг яна бир вазифаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси чиқарган барча фатволарни жойларга етказиш ва уларнинг ижросини таъминлашда яқиндан қўмак беришдир. Тўй-маъракаларни миллий урф-одатларимизга биноан, оилаларнинг иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб, маъракаларни ихчам, тўйларни камхарж, рисоладагидек ўтказишда оилаларга зарур маслаҳатлар берадилар. Диний маросимларни эса ҳанафий мазҳаби таълимотиға мувофиқ равишда ўтишини таъминлайдилар.

Отинойилар қўпоровчилик ва мутаассиблик ғояларининг Ислом диниға мутлақо зид эканини тушунтириб, хотин-қизлар орасида соғлом муҳит яратишға хизмат қиладилар. Жойлардаги имомхатиблар ва жамоат ташкилот вакиллари билан ҳамкор бўлиб, маҳалладаги муаммоли оилалар билан ишлашлари, қизларни эрта турмушға беришнинг, шунингдек, экстремистик ғоялар таъсириға кириб қолишнинг салбий оқибатларини, ҳаётий мисоллар асосида тушунтира билишлари лозим.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар яхши самарасини бериши учун отинойилар оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган янгилик ва маълумотлардан бохабар бўлишларини; машҳур олим-фузалолар қолдирган асарларини, ҳурматли ёзувчиларнинг китоб ва рисоаларини доимий равишда мутолаа қилишни тавсия этамиз.

Хуллас, отинойи маҳалла ҳаётиға дахлдор бўлиб, унинг аҳли тақдири учун куйиниши, оғирини енгил қилиши ҳамда ободлиги йўлида маъсулиятини ҳис қилиб яшаши, фаолият юритиши керак.

Нигора МИНОВАРОВА,

Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси

Гуноҳларингиз кечири-лишини, солиҳ амалларингиз кўпайишини ва юксак даража-ларга эришишни хоҳлайсизми? Соғ-саломат, хотиржам бўлиш, қалб ҳаловатига етишишни ис-тайсизми? Солиҳ фарзандлар, ҳалол мол-давлат ва кенг ризқни-чи? Ким ҳам истамайди?.. Унда кўп истиғфор айтишни одат қилинг. Зеро, бу Аллоҳ таоло-нинг буйруғи: **“Раббингиздан мағфират** (кечирим) **сўранг**,

тоғт. Аъзуз бика мин шарри ма сонағт. Абуу лака биниғ-матика ғалайя ва абуу би занбий. Фағфирлий, фаиннаҳу ла яғфируз зунуба илла ант”, демоғингдир. Ким уни ишонч билан наҳорда айтса-ю, ўша куни кеч киришидан олдин ўлса, жаннат аҳлидан бўлади. Ким уни ишонч билан тунда айтса-ю, ўша кечаси тонг отишидан олдин ўлса, жаннат аҳлидан бўлади”, дедилар».

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларга: “Эй аёллар жамоа-си, садақа беринг ва истиғфор айтишни кўпайтиринг. Чунки дўзах аҳлининг кўпчилиги аёллар эканини кўрдим”, деганлари айтилган. Шунда бир оқила аёл: “Нима учун дўзах аҳлининг кўпи биз аёллардан бўлади?” деб сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Лаънатни кўп айтасизлар ва эрларингизга кўп ношукрлик қиласизлар. Мен сиз-

Зикрларнинг улуғи

сўнгра Унга тавба қилинг, шунда (У) сизларни маълум муддат (ажалларингиз охири)-гача чиройли баҳра билан баҳраманд қилур...” (Худ, 3). Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тавсия этадилар: “Ким истиғфорни чинакамига, доимий айтса, Аллоҳ унга ҳар бир торликдан чиқишни, ҳар бир ғамдан қутулишни насиб қилади. Уни ўйламаган жойи-дан ризқлантиради” (Абу Довуд ривояти).

Истиғфор айтиш ҳамма вақт жоиз, гуноҳ ишлар қилинганда, вожиб бўлади. Солиҳ амаллардан сўнг мустаҳаб саналади. Масалан, намоздан кейин уч маротаба айтиладиган истиғфор каби.

Истиғфор айтишнинг бир неча турлари бўлиб, энг улуғи “Саййидул истиғфор” дуосидир. Шаддод ибн Авсдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Истиғфорнинг саййиди **“Аллоҳумма, анта Роббий. Ла илаҳа илла анта. Холақтаний ва ана ғабдук. Ва ана ғала аҳдика ва вағдика, маста-**

Ушбу дуонинг маъноси бун-дай: “Ё Аллоҳ, Сен Раббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени ярат-динг ва мен Сенинг бандангман. Қодир бўлганимча Сенга берган аҳдимда ва ваъдамда турибман. Сендан қилмишларимнинг ёмон-лигидан паноҳ тилайман. Менга берган неъматингни эътироф қиламан. Гуноҳларимни ҳам тан оламан. Мени мағфират қил. Албатта, Сендан ўзга гуноҳларни мағфират қилгучи йўқ”.

Истиғфор айтиш учун киши гуноҳ қилган бўлиши шарт эмас. Истиғфор марғуб амал бўлиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маъсум бўлсалар ҳам, доим айтганлар. Ибн Умардан ривоят қилинган ҳадисда: «Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир мажлисда юз марта **“Роббиғфирлий ва туб ғалай-йа иннака анта Таввабур Роҳийм”**, деб айтганларини санадик», дейилади.

Истиғфор барча мўминлар, хоссатан, аёллар кўп айтиши лозим бўлган ишлардандир. Чунки бир ривоятда: «Набийнинг

лардан кўра ақл ва динда ноқис бўлатуриб, ақллилар устидан ғолиб келувчиларни кўрмадим”, деб жавоб берганлар. Халиги аёл: “Ақли ва дини ноқис деганингиз нима?” деб сўраганида, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркак гувоҳлигига тенг бўлиши ақли ноқислигидир. Ҳайз ва нифос қони кўрганида намоз ўқимаслигини ноқислигидир”, деб айтдилар».

Истиғфорнинг фойдалари: шайтонни қувади, Аллоҳ рози-лигига еткази, ғам-ташвиш, меҳрсизлик, шафқатсизликни кеткази, хурсандчилик келтиради, юзни нурли этади, ризқни кенгайтиради, бандани Аллоҳнинг муҳаббатига етиш-тиради, У зотга яқин қилади, қалбни поклайди. Истиғфор ёмонликлардан тўсади, қалбга хотиржамлик, қаноат бахш қилади, вақтга барака киришига сабаб бўлади.

Шаҳло БИЛОЛИДДИН ҚИЗИ,
Тошкент Ислоҳ институти талабаси

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло етти тоифа инсонни Ўз (Арш)ининг соясидан бошқа соя йўқ кунда Ўз (Арш)ининг соясида соялантиради: (Биринчиси) адолатли имом (бошлиқ); (иккинчиси) Раббисига тоатда улғайган йигит; (учинчиси) қалби масжидга боғланган киши; (тўртинчиси) Аллоҳ учун бир-бирини яхши кўрган икки киши. Улар ўзаро муҳаббатлашгани учун жамланади ва ажралади; (бешинчиси) обрў-эътиборли ва гўзал бир аёл ўзига чақирган вақтда: “Мен Аллоҳдан қўрқаман”, деган киши; (олтинчиси) ўнг қўли берган садақани чап қўли билмайдиган ҳолда махфий садақа қилувчи киши; (еттинчиси) Аллоҳни хилватда зикр қилиб, икки кўзидан ёш оққан инсон”, дедилар» (Бухорий ривояти).



Аршнинг соясидагилар

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ушбу сўзлари билан Аллоҳ таолонинг ҳимояси ва раҳм-шафқатига сазовар бўлиш йўллари билан еттитасини баён қилдилар.

Аллоҳ таолонинг Арши яратганларининг ичида энг каттаси ва улуғидир. Унинг сифати Аллоҳгагина маълум. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтади: “Аршнинг ўлчамини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди”. Фаришталар уни кўтариб туради. Қуръони каримда бундай дейилади: “**Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришта)лар (яккаю ягона) Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтурлар...**” (Ғофир, 7).

Ҳадиси шарифда “Аллоҳ таоло етти тоифа инсонларни соя йўқ кунда Ўз (Арш)ининг соясида соялантиради”, дейилмоқда. Чунки

Қиёмат кунда қуёш маҳшаргоҳга жуда яқин келади. Маҳшаргоҳ қизиб, Аршнинг соясидан бошқа соя қолмайди. Шунингдек, бу иборадан Аллоҳнинг ҳимояси ва раҳм-шафқати остида бўлиш ҳам тушунилади. Бу мавзудаги ҳадислар ўрганилганида Аршнинг сояси фақат ушбу етти тоифа инсонларгагина хос эмаслиги маълум бўлди.

Адолат – ҳар бир соҳада ҳамма ишларни ўз ўрнига қўйиш. Етти тоифа кишининг ичида “адолатли бошлиқ” биринчи зикр қилинди. Чунки бошлиқнинг фойдаси кенг қамровлидир. Инсонлар энг камида ўз оиласида бошлиқ ҳисобланади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Огоҳ бўлинг! Ҳар бирингиз бошлиқсиз. Ҳар бирингиз қўл остингиздагилардан (Қиёмат кун) сўраласиз. Инсонларга бошлиқ, ўз халқидан

сўралади. Оиласида бошлиқ, оила аъзоларидан сўралади”, дедилар (*Имом Бухорий*). Аллоҳ таоло адолатли подшоҳ орқали кўп улуғ ишларни амалга оширади.

Биз “йигит” деб таржима қилган “шабб” лафзи балоғатга етган вақтдан то ақли тўлиш (тахминан қирқ) ёшигача бўлган оралиқдаги кишига айтилади. Инсоннинг ёшлигидан ибодатда, савобли ишларни қилиб улғайиши алоҳида мақтовга лойиқ. Ёшлиқда инсоннинг табиати нафс-ҳавога, турли шахватларга ва беҳуда ўйин-кулгига кўпроқ мойил бўлади. Шунинг учун доимо Аллоҳнинг ибодатида бўлиш қарияларга нисбатан ёшларда машаққатли, савоби улуғроқ бўлади.

“Қалби масжидларга боғланган киши” жумласини Кирмоний бундай баён қилади: “Қалби масжидга боғлиқ киши масжидни яхши кўради. Масжидда жамоат билан намоз ўқишни канда қилмайди”.

Аллоҳ йўлида ўзаро муҳаббатли бўлиш дунёвий мақсадлардан холи бўлиши керак. “Улар ўзаро муҳаббатлашгани учун жамланади ва ажралади” ибораси Аллоҳ йўлидаги ҳақиқий муҳаббат умрларининг охиригача давом этишини ифодалайди. Мол-давлат, мансаб, обрў-эътибор туфайли бўлган муҳаббатнинг умри қисқадир.

“Обрў-эътиборли ва гўзал бир аёл ўзига чақирган вақтда” ибораси эркакка нисбатан аёлда фаҳш ишга мойиллик юқори эканини билдиради. Зинога чорлаб турган, унга етишиш машаққати бўлмаган аёлга бормай, сабр қилган кишининг мартабаси улуғдир. Зинога чақирилган киши: “Мен Аллоҳдан қўрқаман” дейиши ҳақида Қози Иёз (раҳимахуллоҳ) бундай дейди: “Бу жумлани у аёлни фаҳш ишдан қайтариш учун тилида ёки ўз нафсини қўрқитиш учун қалбида айтган”. Аллоҳ таоло айтади: **“Парвардигори (хузурида) туришдан (сўралишдан) қўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир”** (*Раҳмон, 46*).

“Ўнг қўли қилган садақани чап қўли билмайдиган” жумласида садақанинг махфий қилиниши муболаға билан айтилмоқда. Яъни,

ўнг қўлчалик яқин масофада бўлган киши ҳам қилган хайр-садақа ва яхшилигини билмасин. Бошқаларга билдириш кўп ҳолатларда риёкорликка олиб боради. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Садақаларингизни агар ошкора берсангиз, жуда яхши. Борди-ю, камбағалларга пинҳона берсангиз – ўзингиз учун янада яхшироқдир ва (У) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир”** (*Бақара, 271*). Оятнинг зоҳиридан садақанинг барча турини ошкора ёки яширин бериш мумкинлиги, аммо яширин берилган садақа афзал экани маълум бўлмоқда. Баъзи уламолар: “Фарз ёки вожиб садақалар: закот, хирож, ушр, фитр садақаси ва каффоратларни ошкора берган афзал. Ихтиёрий нафл садақаларни эса, яширин берган яхши”, дейишган.

Инсон Аллоҳ таолони эслаган вақтда кўзига ёш тўлиши унинг тақвоси, Парвардигорига етишиш ва жаннатда гўзал жамолини кўришга иштиёқининг баланд эканидан дарак. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Ким Аллоҳ таолони зикр қилиб (эслаб), қўрққанидан икки кўзига ёш келиб, ерга оқса, Қиёмат куни азобланмайди” (*Имом Ҳоким*).

Муҳаммадали ЗОҲИДОВ

“Умдатул қорий”, “Фатҳул Борий”,

“Манҳалул ҳадис” асарлари асосида тайёрлади.

■ Бу дунё ибратли ишлар ва панд-насихатларга тўладир. Айни вақтда кўз ёшлари ҳам кам эмас.

Абулқосим Замахшарий

Кимлигинг сўзингдан билинар...

Сурат кишининг ташқи кўриниши – қадди-баста, юз қиёфаси, кийинишидир. Сийрат эса, бир сўз билан айтсак, унинг ички дунёсидир. Кишининг кимлиги, асл моҳияти унинг сийратида яширин бўлади. Кишининг тили, одамлар билан муомаласи эса, бу яширин сирни ошкор этади. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ҳазратлари: “Сўз инсоннинг даража ва камолоти, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурган тарозидир”, дейди. Дарҳақиқат, сўз жами яратилган ичида фақат инсонгагина берилган баҳосиз неъмат. Ҳамма гап бу неъматдан қандай фойдаланишда.



Халқимизда: “Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан пичоқ қинидан”, деган ҳикмат бор. Яхши сўз душманни дўстга айлантириши, беморнинг дардига даво бўлиши, адашганни тўғри йўлга солиши мумкин. Яхши сўз, панд-насихат садақадан, қўлдан берилган моддий ёрдамдан ҳам устун. Аммо ўйламай айтилган биргина гап одамлар орасига раҳна солиши, нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. “Бошимизга тушадирган қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келади”, дейди Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, тилнинг суяги йўқ, унга эрк берсанг нималар демайди. Нақл қилишларича, Ҳусайн Бойқаро талабаларга сабоқ бераётган дўсти Алишер Навоийга яқин бориб, кўрсаткич бармоғи билан бошига ишора қилади. Алишер Навоий эса унга жавобан бармоғи билан тилига ишора қилади. Подшо “тушундим” дегандай бош ирғайди-да, ортига қайтади. Талабалар ажабланиб Навоийдан сўрашади. “Бунинг жавоби оддий, – дейди шоир, – дўстим мендан бошга бало нимадан келади, деб сўради. Мен бўлсам, тилдан, деб жавоб бердим”, дейди.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида тил ҳақида, тилдан чиқадиган сўз ҳақида айтилган бундай ривоятлар, мақолу иборалар кўп. “Олдин ўйла, кейин сўйла”, “Дилингдагига хожасан, тилингда

чиққанига қул”, “Жавобга ошиққан хатога йўл кўяр”, “Тилингни сақласанг омондир бошинг”, “Сўзнинг лаззати уни гапиришда эмас, балки эшитишдадир”... каби жуда қисқа, лекин маънога тўла ҳикматларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Донишмандлардан бири: “Сўзлашда тақво этиш, луқма ва таомдаги тақводан ортиқдир”, деган экан. Ростдан ҳам ўйлаб кўрилса, ҳалол луқма фақат кишининг ёлғиз ўзи учун манфаатлидир. Лекин сўз тақвосининг аҳамияти катта, кўлами кенг. Сўзи тақволи одам бировни ранжитмайди. Бўлар-бўлмаста “доно”лик қилиб, одамларни чалғитмайди. Илм аҳли сукутни афзал билишган. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сукут сақламоқни ўзингга одат қил. Чунки сукут сақлаш шайтонни ҳайдади ва динингни сақлашингга ёрдам беради”, деганлар. Бошқа ҳадисларида: “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин”, (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*) дея марҳамат қиладилар.

Кўча-кўйда, транспорт ёки бозор жойларида кишилар, жумладан, ёш-яланглар ўзаро муомала-муносабатларда ишлатадиган сўзларни эшитиб дилингни оғрийди. Ёши улуглар яхши эслади, бундан бир неча ўн йиллар бурун оилаларда, жамоат жойларидаги суҳбат-

гурунгларда шарқона лутф ҳозиргига нисбатан бирмунча устун бўлган. Эр-хотин бири-бирига “онаси”, “дадаси” дея мурожаат қилишган. Айрим хонадонларда, ҳатто болаларни ҳам сенсирашмаган. “Сиз-сиз”лаб гапиришган. Дакки бериш лозим бўлганда ҳам овозларини кўтаришмаган. Керакли ўғитлар майин овозда эҳтиёткорлик билан тушунтирилган. Қолаверса, панд-насихатдан кўра ота-онанинг бир-бирига нисбатан кўрсатишган юмшоқ муомаласи ғоятда ибратли тарбия вазифасини ўтаган. Бугунги кунда эса бундай манзарани (ҳамма оилаларда эмас, албатта) учратиш маҳол. Ёшларимиз гап-сўзлари қурама тиллар йиғиндисига айланиб бораётгани, бозор-ўчарлардаги айрим сотувчи аёлларимизнинг бир-бирларини эркакона “сийлашлари” одатий тусга кириб бораётгани сир эмас.

Тил кўнгил кўзгуси. Кишининг гап-сўзи, муомаласи унинг кимлиги ҳақида тасаввур беради. Тилида парҳез бўлмаган, номақбул сўзларга одатланган киши хайрли оқибат топмайди. Оиласидан тотувлик, барак кўтарилади. Қўни-қўшни, маҳалла-қўйда обрўсига путур етади. Одамлар ундан ўзларини тортадиган, уни четлаб ўтадиган бўлишади. Бундан сақланиш эса, кишини, албатта, яхшиликка, офиятга бошлайди.

Азимжон АЛИМЖОНОВ,
*Олмалиқ шаҳар
бош имом-хатиби*

Имом Ҳафс ибн Сулаймон (раҳматуллоҳи алайҳ)

Ҳафс ибн Сулаймон ибн Муғира ибн Абу Довуд Асадий Куфий Баззоз (куняси Абу Умар) ҳижратнинг 90-йили туғилган. Имом Осимнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) ўғай ўғли эди.

Қироатни Имом Осимдан (раҳматуллоҳи алайҳ) оятма-оят эшитиб ва ўзига қайта ўқиб бериш орқали ўрганди. Абу Амр Доний (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Имом Осимнинг қироатини одамларга тиловат қилиб бериб ўрганди. Бағдодга ва Маккага бориб, қироатини ўқиб берди”.

Яҳё ибн Маъин (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Осим (раҳматуллоҳи алайҳ) қироатининг саҳиҳи Абу Умар Ҳафс ибн Сулаймоннинг ривоятидир”.

Абу Ҳишоф Рифоий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Ҳафс Имом Осимнинг (раҳимаҳумаллоҳ) қироатини энг яхши билувчи шогирдларидан. У ҳарфларнинг аниқ-тиниклигида Шўъбадан устундир”.

Имом Заҳабий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “У қироатда ишончли ва аниқ-тиник ривоят қилишда ўта пухта эди”.

Ибн Мунадо (раҳматуллоҳи алайҳ) бундай дейди: “Имом Осимга (раҳматуллоҳи алайҳ) бир неча бор ўқиб берди. Аввалгилар унинг ҳифзини Абу Бакр ибн Айёшникидан устун қўйди ва Осимга (раҳматуллоҳи алайҳ) ўқиб берган қироатининг ўта пухталиги билан мақтади. Уни одамларга узоқ вақт ўқиб берди. Имом Осимдан (раҳматуллоҳи алайҳ) олган қироати Али ибн Абу Толибга (розияллоҳу анҳу) бориб тақалади”.

Имом Ҳафсдан (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилинади: «Мен Имом Осимга (раҳматуллоҳи алайҳ): “Абу Бакр Шўъба қироатда менга хилоф қиляпти”, дедим. Имом Осим (раҳматуллоҳи алайҳ) деди: “Абу Абдурахмон Суламий Али ибн Абу Толибдан (розияллоҳу анҳу) менга ўқиб берган қироатини сенга ўқиб бердим. Зирр ибн Ҳубайш Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) менга ўқиб берганини эса Абу Бакрга ўқиб бердим”, деди».


Имом Ҳафснинг (раҳматуллоҳи алайҳ) қироатини кўп инсонлар ўқиб бериш ва эшитиш орқали ривоят қилишди. Улар: Ҳусайн ибн Муҳаммад Марвазий, Амр ибн Саббоҳ, Убайд ибн Саббоҳ, Фазл ибн Яҳё Анбарий ва Абу Шуайб Қоввасдир (раҳимаҳумаллоҳ).

Имом Ҳафс (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳижратнинг бир юз саксонинчи йили вафот этди.

Нуринисо САМУҶ қизи
тайёрлади.

Илмга бахшида умр

Инсоннинг умри неча йил яшагани, лавозими ёки қанча бойлик тўплагани билан ўлчанмайди. Шунингдек, эл эътиборини қозониш учун фавқулдда жасорат кўрсатиш ҳам шарт эмас. Балки умрга ҳалол меҳнат, касбини севиш, эл корига яраш, оқил фарзанд ва шогирдлар етиштириш мазмун беради. Саиднаби Саидкаримов домла ана шундай инсонлардан эди.



Устоз 1934 йил 1 январда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгач, 1953 йили Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) география факултетига ўқишга кирди. Меҳнат фаолиятини 1958–1960 йилларда университетнинг “Иқтисодий география” кафедрасида лаборант вазифасидан бошлади. 1960–1962 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги География илмий-текшириш бўлимида кичик ходим, 1962–1964 йилларда собиқ СССР Фанлар Академияси қошидаги География илмий-текшириш институти аспиранти, 1964–1966 йиллар Тошкент Давлат

университети (ҳозирги ЎзМУ) География илмий-текшириш бўлимида кичик, кейин катта илмий ходим, 1966–1996 йилларда эса худди шу университетнинг “Иқтисодий география” кафедраси ўқитувчиси, кейин доцент бўлиб ишлади.

1971 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси қошида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ташкил топди. Саиднаби Саидкаримов мазкур институтда қарийб 40 йил “Табиий ва ижтимоий фанлар” кафедраси доценти лавозимида ишлади. География фанлари номзоди ва доцент илмий даражасини олди. Иқтисодий географияга оид 30 га яқин илмий мақолалар ҳамда 2 та ўқув қўлланма муаллифидир.

Педагогика фаолиятидан ташқари, жамоат ишларида ҳам фаол эди. Узоқ йиллар давомида “Беруний” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлади. 1994 йилда кўп йиллик самарали меҳнати учун давлатимиз “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони, 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” ва 1998 йили Президентимиз “Эл-юрт хурмати ордени” билан мукофотлади. Устоз хорижий давлатларда ўтказилган ҳамкорлик анжуманларида иштирок этди.

Умрини ёш авлодни тарбиялашга сарфлаган раҳматли Саиднаби Саидкаримов домла моҳир педагог, психолог, яхши суҳандон эди. Рус, инглиз ва форс тилларини яхши билгани, ушбу тиллардаги мавжуд илмий адабиётлардан кенг фойдалангани учун маърузалари қизиқарли ва мазмундор бўларди. Дарсларида талабаларга араб давлатлари тарихи, ҳозирги ижтимоий ҳолати ҳақида ҳам кенг маълумот берарди. Устознинг маърузаларини мароқ билан эшитар эканмиз, бизда нафақат араб мамлакатларининг тарихи, географиясини ўрганиш, ушбу давлатларни бориб кўриш иштиёқи ҳам пайдо бўлган эди. Устоз билан ишлаш бизга завқ-

шавқ берарди. Доим у кишидан бирор нарсани ўрганишга ҳаракат қилардик.

Устоз интизомга жуда қаттиқ амал қилар, вақтни беҳуда сарфлашни ёмон кўрар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди. “Вақтинг кетди, нақдинг кетди”, “Вақтнинг қадрига етиш керак” деб кўп тарорларди. Дарсга қўнғироқ чалинмасдан олдин аудитория олдида турарди.

2001 йили бундай воқеа содир бўлди. Эрталаб одатга кўра талабаларнинг дарсга келишини назорат қилиб турган эдим. (Мен ўша вақтларда институтнинг ўқув ишлари проректори вазифасида ишлардим.) Устоз негадир кечикди. “Иши бўлса, огоҳлантирар эди-ку”, деб кўнгиладан ўтказдим. Дарс бошланганига ярим соат бўлди, у кишидан дарак йўқ. Ректоримиз ҳам ҳайрон. Устозда бундай ҳолат бўлмаган эди. “Бирор иш билан ушланиб қолгандир-да”, деб турсак, қоровулхонадаги телефон жиринглади. Телефон гўшагини кўтарсам, Саиднаби домланинг овози келди:

– Муҳаммадрасул, мен автохалокатга учрадим. Ҳозир касалхонадаман, аҳволим яхши, сиздан илтимос, болалар дарсдан қолмасин. Шунинг учун телефон қияпман, – деди.

Мен карахт бўлиб қолдим. Тезлик билан касалхонага бордик. Устознинг бошлари боғланган, бир аҳволда ётарди. Бориб, ҳол-

аҳвол сўрадик, ётган жойида ҳам талабаларни ўйлаб, бугун дарсдан қолишадиган бўлди-да, деяптилар. Мен: “Устоз, ҳаммаси яхши. Ўрнингизга одам қўйдик. Буларни эмас, соғлиғингизни ўйланг”, дедим. Доктор билан гаплашсак: «Бундай инсонни энди кўришим, боши ёрилиб қон оқиб турган бўлса ҳам, ўзини ўйламасдан: “Эсиз талабалар дарсдан қоладиган бўлди-да. Институтга телефон қилишим, уларни огоҳлантиришим керак”, деб турибдилар», деди.

Устоз камтар, қўли очик, саховатпеша, ҳады беришни жуда яхши кўрар эди. Талабаларга бировларни восита қилиб эҳсон тарқатарди. “Устоз, ўз қўлингиз билан берсангиз бўлмайдимиз?” десам. “Йўқ, махфий эҳсон қилишнинг савоби улуғроқ”, дердилар.

Фидойи устознинг шогирдлари бугунги кунда турли соҳаларда ишлаб келмоқда.

**Муҳаммадрасул
АБДУЛЛАЕВ,**

*Тошкент Ислом институти
“Ижтимоий фанлар”
кафедраси мудири*

**Бахт ҳавода эсмайди,
меҳнатдан келади.**

Абу Абдуллоҳ Рудакий



Ойнали хона

Бир хоннинг саройида ойнали хона бор, ҳамма томони, ҳатто шифти ҳам ойнадан эди.

Шу хонага бир куни кўппак кириб, қўрқувдан қотиб қолди. Чунки уни ҳар томондан кўппаклар ўраб олган эди-да. У ўз аксига қараб, ирриллаш бошлади. Шу он ойнада унинг ириллаши акс этди ва атрофидаги ойналарда ҳам ирриллаган кўппакларнинг тишларини кўрди. Қўрққанидан акиллаб юборди, хонадаги аксадо унинг акиллашини ўзига қайтарди. Туни билан кўппак хона бўйлаб югуриб, ўз аксига қараб акиллаб чиқди. Ойнадаги “душманларига” ўзини урди. Эрталаб ойнали хонада уни ўлик ҳолда топишди.

Агар у дарғазаб ириллаш ўрнига бир оз “дўстона муносабат”да бўлганида ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди...

Қайноналарга...



Хонадонга янги келин тушди. Кўнглида тоза ниятлари, бор яхши хислатлари билан янги оила аъзоларининг ҳурматини қозонишга ҳаракат қилади. Лекин айрим вақтлар тажрибасизлиги боис хатога йўл қўйиши ҳам табиий. Чунки бу хонадоннинг унга таниш бўлмаган тартиб-қоидалари бор. Уларни ўрганиб олиши учун вақт керак. Бундай ҳолатда ёш келинчакка онасидай кўмакдош инсон, яъни қайнона самимий ёрдам бериши жуда муҳимдир.

...Кечки овқат вақти. Келинчак бор маҳоратини ишга солсада, ички ҳаяжон ва қўрқув сабаб таомнинг тузи бир оз баланд чиққан. Дастурхон бошида овқатнинг шўрлигини билган заҳоти зийрак қайнона: “Қизим, овқатнинг тузини меъёрида солган экансиз-у, тотганимда пастроқдек туюлиб, бир чимдим туз солиб юборгандим... Энди кўнглим хотиржам, ошхонани сизга бемалол топширсам бўлар экан”, дея келинни нохуш вазиятдан чиқариб юборади. Келин қайнонасига миннатдор боқади, кўнглида бу аёлга нисбатан меҳри ошади...

Шундай қилинганида оиладаги қаттиқ-қуруқ гап-

ларнинг, катта жанжалларга бошлайдиган дилхираликларнинг олди олинади. Буни яхши тушунган қайноналар ҳар бир масалада юқоридагидек иш тутаяди. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, келиннинг кичик хатосидан фожа ясаб, оиланинг тинчини бузадиган қайноналар ҳам йўқ эмас. Маълум, келинчак ёш, тажрибаси оз, турмуш чорраҳаларида қоқилиши аниқ. Шундай ҳолатларда айрим “эрка” қайноналар оила аъзолари олдида келинни ерга уради, хатосини юзига солади. Совчи бўлиб борганида: “Ўз қизимдек кўраман”, деб ваъда берганларини унутаяди.

Халқимизда бир мақол бор: “Сўксанг – бети қотади, урсанг – эти қотади”. Арзимас хатоси учун ҳам гап эшитаверган келин бориб-бориб, гап қайтарадиган бўлади. Шундан кейин айрим қайноналар ҳолатга янаям фожиавий тус беради: “Ё мени дейсан, ё хотинингни!” Улар ўғлини ҳам оғир аҳволда қолдиради.

Шу ерда тўхтанг. Мана шу келин – ўғлингизнинг жуфти ҳалоли, бўлажак набираларингизнинг онаси. Нега ўғлингиз ё қизингизнинг хатосини кечирасиз-у, келиннингизни кечиролмайсиз?

Азиз ва меҳрибон қайнонажонлар! Ўзига нимани муносиб кўрса, бошқаларга ҳам шуни илиниш чин мўминга хос хислат. Катта рўзғорни ана шу асосда, чиройли тарзда юритиб турибсиз, келинни ҳам яхши муомала билан тўғри йўлга солиш қўлингиздан келади, иншааллоҳ.

Бундай эзгу ишларда Аллоҳ барчамизга ёрдамчи бўлсин!

Карима САЛИМЖОН қизи

Кишилардан ўзингга нисбатан қандай муомала кутсанг, ўзинг ҳам уларга худди шундай муомала қилгин.

Абу Ҳомид Фаззолий

Кишини бир кўришда билиб бўлмайди, дейишади катталар. Бу фикр тўғрилигини ҳаётдан сабоқ чиқариб, тасдиқлаяпман. Унгача кўп янглишдим. Кўрганларимга ишонавериб, кўп марта панд едим. Олдинда нималар борлигини билмаймиз. Эртамиздан беҳабар, яшашда давом этамиз.

Сен ҳақингда хотира ёздим...



Тақдирлар турли чорраҳаларда кесишади. Вақт ва макон бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда бир-бирларимизни топамиз ёки йўқотамиз. “Сен қаерда эдинг-у мен қаерда эдим? Бир-биримизни учратишимиз учун шу-у-унча йўл босиб ўтишимиз керак экан”, дейди бир қадрдоним. Ҳақиқатан ҳам ҳаёт қизиқ. Кўришни орзу қилиб юрган одамларинг бир кун келиб, деярли доим кўрадиган оддий ҳамроҳга айланади.

“Сен ҳақингда хотира ёзаман”, дедим эфиопиялик занжи қиз Фотимага. Самимий табассуми билан миннатдорлигини изҳор қилган бу қизни жуда яхши кўриб қолган эдим...

Ётоқхона маъмури бизларни юқорига йўллаб, бўш ётоғи бор исталган хонада қолишимизни айтди. Бир-бир эшикларини тақиллатиб, ҳамроҳим билан хоналарга қарай бошладик. Ҳар эшикдан узр сўраб, ичкарига мўралардик. Бир ёруғ ва шинам хонада бизни занжи қиз кулиб қаршилади. Бу ерда жой кўп эди... Қолишни ўйладик, аммо занжи қизни ҳеч бир сабабсиз ёқтирмадим. Ҳамроҳимга бу ерда қолмаслигимни айтдим. Яна бошқа хоналарни кўрдик. Аммо ҳеч бири занжи қиз жойлашган хона каби кўнглимизга ўтирмади. Ўша хона эшигини қайта тақиллатдик. Яна самимий қаршилаган қиз билан яхшироқ сўрашдик-да, ётоғимизни танладик. Сўнг нарсаларимизни жойлаштира бошладик.

Ўзини “Фотима Умар” деб таништирган қизга бот-бот қараб қўяман, хатти-ҳаракатларини кузатаман. Негадир у эътиборимни тортаверар-


ди. Бир-биримизнинг тилимизни қийналиброқ тушунардик, аммо илк фурсатларданоқ дилларимиз бир-бирини яхшироқ англаётганини ҳис қилдим. Унинг мўминалиги, муслималиги ўзига маҳлиё қилар, самимийлигидан кўнглим тўларди. Шундай пайтларда Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадис ёдимга келарди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишингиз ва молларингизга қарамайди, балки қалбларингизга ва амалларингизга қарайди”». Унинг сувратини беаган чиройли хулқи, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг яхшиларингиз хулқи яхши бўлганларингиз”, деган сўзларининг кўз ўнгимдаги исботи эди.

Фотима исмимни қийналиброқ ўрганди-ю, аммо ёдлаб олганидан кейин ширин талаффуз билан чақирадиган бўлди. Миллатдош дугоналаримдан кўра у билан яхшироқ тиллашардим. Қалб қалб билан англашса, диллар дўстлашса, инсоннинг тили, миллати, ҳусни, либосининг аҳамияти ўз-ўзидан йўқолиб борар экан. Қанийди, атрофимдаги барча инсонлар ана шундай хулқи билан чиройли кўринса!

Зебунисо ҲУСАЙН

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



Савол: Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Инсонга кинна кириши, кинна силатиш (чиқариш) динимизда борми?

Жавоб: Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала Расулиллаҳ. Амма баъд. Кинна кириши, уни силатиш (чиқариш) каби нарсалар хурофий тушунчалардир. Аммо кўз тегиши бор нарса. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кўз тегиши ҳақдир”, деганлар. Динимизда, кўз тегишидан сақланиш ва унинг таъсирини кетказиш йўллари очик кўрсатилган. Кўз теккан кишига шифо оятларидан ўқиб дам солиш, ҳадисларда келган дуолардан ўқиб, шифо тилаш лозим.



Савол: “Макруҳ” нима дегани?

Жавоб: “Макруҳ” луғатда яхши кўрилмайдиган, нохуш нарсани билдиради. Истилоҳда эса, қилмаслик талаб этилган, лекин далили қатъий бўлмаган ишларга “макруҳ” дейилади. Макруҳ ҳукмга кўра икки турга бўлинади: таҳриман (ҳаромга яқин) макруҳ ва танзиҳан (ҳалолга яқин) макруҳ. Мисол учун, аср намозини қасддан кечиктириб, қуёш ботаётганида ўқиш таҳриман макруҳ, ўнг қўл билан бурун қоқиш танзиҳан макруҳдир.

қабрларни зиёрат қилишлари жоиз дейишган. Уларнинг далили қуйидагича: Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўради: “Қабрларни зиёрат қилишда нима дейин, ё Расулуллоҳ?” У зот жавоб бердилар: «Бундай дегин: “Бу ерда қўним топган мўминларга салом бўлсин! Биз ҳам, иншааллоҳ, сизларга етишамиз. Сизларга ҳам, бизларга ҳам Аллоҳ таолодан афву мағфират тилайман!”» (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ҳазрат Фотима ҳар жума куни амакиси ҳазрат Ҳамзанинг қабри зиёратига борар, у ерда амакиси учун дуолар қиларди (*Ҳоким ривояти*).

Фуқаҳолар айтишича, аёллар ҳам эркалар каби ўғит ва ибрат олишга муҳтождир. Динимизнинг қабрларни зиёрат қилишга берган рухсати аёлларга ҳам тегишлидир. Албатта, аёл киши зиёрат пайтида бақириб-чақириб йиғлаш, ёқа йиртиш, ўликлардан мадад сўраш каби зиёрат одоби, Ислом ахлоқига терс ишлардан сақланиши керак.



Савол: Аёллар қабристон зиёратига борса бўладими? “Аёллар қабристонга кирса, марҳумларга яланғоч бўлиб кўринади”, дейишади. Шу гап

тўғрими?

Жавоб: Кўпгина олимлар аёлларга, зиёрат қилиш одобларини бузмаслик шарт билан

Саволнинг иккинчи бўлимидаги гап мутлақо асоссиз ва таги йўқ гап. Аммо қабристонга зиёрат учун кираётган аёлнинг худди кўча-кўйда юргани каби аврат ерларини ёпиб олиши зиёрат одобларидандир.



Савол: Қуръони каримда номи келтирилган Зулқарнайн пайғамбар бўлганми? Ахир унга Аллоҳ таоло ваҳий юборган-ку?!

Жавоб: Қуръони каримда номи келган Зулқарнайннинг пайғамбар экани ҳақида уламолар ихтилоф қилишган. Баъзи уламолар «...**Биз: «Эй Зулқарнайн, ...дедик»**» (Каҳф, 86) ояти каримасини далил қилиб, у зотни пайғамбар дейишган бўлса, кўпчилик олимлар бошқача фикр билдиради. Улар Зулқарнайннинг валий зот бўлганини айтиб, у ҳақдаги хабарни илҳом, деб таъвил қилишган. Зеро, ваҳий ҳамма ўринда ҳам пайғамбарликни тақозо қилавермайди. Масалан, «**Раббингиз асалариларга ваҳий қилди: “Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) қурадиган нарсаларга ин қурингиз”**» (Наҳл, 68), муфассирлар бу ўриндаги “ваҳий” буйруқ маъносини билдиришини айтишган.

“Бадуюл Амолий” ақида китобида аниқ далил бўлмагани учун ҳазрат Зулқарнайн ва Луқмон ҳакимни пайғамбар ё пайғамбар эмас деб баҳслашишдан қочиш кераклиги айтилган.



Савол: Ғусл қилаётганда бадандан оқаётган сув идишга тушса, идишдаги сув нопок бўладими?

Жавоб: Ғусл ва таҳорат қилганда ишлатилган сув “оби мустаъмал”дир. Уни Имом Муҳаммад (рахматуллоҳи алайҳ) бошқа барча имомларимиз нопок дейишган (“*Фатовойи Ҳиндия*”). Одам ғусл қилаётганда сув сачраб идишдаги сувга тушса, зарари йўқ. Аммо баданидан

оқаётган сув идишга қуйилиб тушса, уни нопок қилади (“*Оламгирия*”, “*Хулоса*”).



Савол: Қарматлар (қарматийлар) қандай фирқа? Улар ҳозир ҳам борми?

Жавоб: Қарматлар исмоилийларнинг асосий шохобчаларидан бирининг тарафдорларидир. Қарматлар IX аср охирида Жанубий Ироқда пайдо бўлган. Бу ном уларнинг раҳбари ва ташкилотчиси Ҳамдон ибн Ашъаснинг лақаби “Қармат” (ёхуд Қарматия, Қирмит) сўзидан олинган. Унинг маъноси манбаларда турлича (“калта оёқ”, “қизил кўз”) изоҳланган. Бироқ Ҳамдонгача ҳам Қарматия номи бор эди, Бу эса, Ҳамдон лақабини ўша даврда мавжуд бўлган бирон-бир ташкилот номидан олган деб ҳисоблашга асос бўлади. Улар аббосийларга қарши кўзғолонларга бошчилик қилган. Қарматлар ерга жамоа эгалигини, умумий (қуллардан ташқари) тенглик ғояларини тарғиб этишган. Улар диний амалларни бажармаган, шариат қоидаларини тан олмаган, уларда масжидлар бўлмаган. Қарматлар Каъба ва Ҳажарул Асвадни бидъат деб ҳисоблаган. 899 йили қарматлар Баҳрайни босиб олиб, давлат тузишган. Бу давлат милодий XI аср охиригача бор бўлган. 930 йили ҳаж вақтида қарматлар Маккага ҳужум қилиб, уни талон-торож этишган, ҳажга борганларни ўлдиришган, бир қисмини қул қилишган, Ҳажарул Асвадни ўлжа қилиб олиб кетишган (20 йилдан сўнг қайтарилган). Бу ҳол халқларнинг нафратини кўзғатган. XI аср охири – XII аср бошларида Ироқ ва Эронда уларга қарши шиддатли кураш бошланган ва қарматлар ҳаракати бостирилган. Кейинчалик қарматлар исмоилийларнинг бошқа оқимларига қўшилиб, йўқолиб кетган.

Нўъмон АБДУЛМАЖИД
ёзиб олди.



Маънавиятимиз кушандалари

Ўзбекистон мустақил бўлгач, хорижий мамлакатлар учун юртимиз эшиклари очилди. Ватанимизнинг минтақада эгаллаб турган мавқеи ва халқимизнинг бир-биридан гўзал урф-одатларига қизиқиш ортди. Бу ҳол яхши ниятли ҳамкорлар билан бир қаторда ғаразли мақсадлардаги “меҳмонлар”нинг келишига ҳам сабаб бўлди. Улардан бири инсонларни динидан айириш мақсадидаги миссионер секталардир. “Missio” сўзи “юбориш”, “вазифа топшириш”, яъни, “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берадиган бирор динни кенг ёйишдир.

Тарихда миссионерлар Америка, Осиё, Африка халқларини забт этишда ошкора ёки махфий қатнашишган, истилочиларга ёрдам беришган.

Миссионерларнинг ўзга дин вакиллари орасидаги фаолияти ҳар доим ўша минтақа барқарорлиги, аҳоли тинчлиги бузилишига, ҳатто қон тўкилишларига сабаб бўлган. Масалан, Шарқий Тимор оролининг Индонезиядан ажралиб чиқиши воқеасини кузатган мутахассислар бу ишда миссионерлар бевосита иштирок этганини айтишади. Африка қитъасида ҳам миссионерлар сабаб кўп қон тўкилди. Ҳозирги кунда Судан давлатида ҳам айнан миссионер секталар туб аҳолининг насроний ва мусул-

мон қавмлари ўртасида можаро чиқаришга уринишмоқда.

Миссионерларнинг гаплари мулоим, “ҳотамтойлик”ларининг чегараси йўқ бўлиб туюлиши мумкин, аммо улар даъват этаётган нарса тавҳид эмас. Насронийлик ниқобида сафларини таъсир доираларини кенгайтirmoқчи бўлган миссионерлар чақираётган нарса ширкнинг турли кўринишларидир.

Миссионерлик йўли билан насронийлик динини тарғиб қилиш тарихда мустамлакачи империяларни тиклаш ва мустаҳкамлашда мафкуравий қурол сифатида ишлатилган. Миссионерлар XIX–XX асрларда Осиё халқларини забт этишда махфий равишда

қатнашганлар. Улар ҳозир ҳам бу найрангларини давом эттириш пайида.

Миссионерларнинг мақсади уч нуқтада жамланади: халқларни насронийлаштириш баҳонасида уларни иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан ғарб давлатлари таъсир доирасига тушириш; одамларда ўз динига нисбатан шубҳа уйғотиш ва диндан чиқариш; бузғунчилик қилиш, одамларни адашган эътиқодларида мустаҳкамроқ туришга чорлаш ва улар сафини тўлдириб бориш.

Мамлакатимизда соф исломий эътиқод – Ислом дини қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Унинг кўрсатмалари мусулмон халқимизнинг эзгу орзу-ниятлари амалга ошиши учун энг тўғри йўлдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Ислом ота-боболаримиз динидир. Уни ташқи таъсирлардан, ёт унсурлардан тозалаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир”.

Миссионерлар олдинга динимиздан яхши хабардор бўлмаган оддий, тажрибасиз кишиларга қармоқ ташлайди. Демак, хавфдан эҳтиёт бўлиш учун аввало, динимизни пухта ўрганишимиз, пок ақидамиз, масъулият, ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билишимиз, уларга амал қилиб яшашимиз керак.

Акмалхон НИЗОМОВ,
Шаҳрисабз шаҳар “Ҳазрати Имом”
жоме масжиди имом ноиб

Жоҳил довулга
ўхшайди, овози
жуда кучли, аммо
ичи бўшдир.

Саъдий Шерозий

Кучга яраша ҳисоб

Биз, кўпинча, журъат тополмаган, ҳаловатимизни кўзлаган пайтларимизда қуйидаги каби баҳоналар билан ўзимизни овутамиз:

* Битта менинг гапим билан нима ўзгарарди?

* Кучим нимага етарди?

* Унга маслаҳат бергани мен ким бўлибман?

* Оддий одамман, қўлимдан келганини қилдим...

* Битта мен чипта ташласам, шу ер чиқиндихона бўлиб қолмайди-ку!

* Мен илмсиз бўлсам, дунё ривожланишдан тўхтаб қолмас?

Яшириб нима қилдим, ўзимда ҳам бу каби ҳолатлар юз беради ва қалбимдаги яхшилик қилиш иштиёқини бўғиб қўяди. Натижада, оломон ичидаги ҳиссиз, эътиборсиз одамлардан бирига айланаман, йўлимда давом этаман. Кейин эса ўша ишни қилмаганим учун кўп афсусланаман. Бироқ яна ўшандай вазиятга дуч келсам, афсусларим ёдимда тургани ҳолда, одатдагидай “ўз йўлим” да давом этаман. Аслида эса оддийгина одам, ожизалигимга қарамай, инсонлигим ва менга берилган имкониятлар доирасида ҳаракат қилишим керак.

– Бир келинчак кўча юзини оқар сувга қараб супур-япти. Бунинг хатолигини бориб унга айтишим мумкин. Ҳеч қурса, бошқа танбеҳ эшитиш нафсига малол келгани учун ҳам кейинги сафар бу ишни қилмайди.

– Дарахт шохини синдираётган болага бундай қилмаслигини айтиш ҳам савобли амал. Бу билан кимнингдир меҳнатини қадрлаган, табиат муҳофазасига ҳисса қўшган бўламан.

– Мен ўрганган илмнинг бир мўминга нафи тегса, ҳеч йўқ, ўзимга фойдаси тегса, демак, яна бир яхшиликка тиргак бўла олдим.

– Қўлимдаги қоғоз парчасини, унчалик катта гуноҳмасдир, дея ерга ташлашдан сақлансам, бунинг кўриб турган бошқа бир одамга ўртак кўрсатаман. Шу билан бирга, унинг олдига иккинчиси, учинчиси ташланиб, чиқиндилар уюми ҳосил бўлишининг олдини оламан...

Мени шу пайтгача яхшиликлардан қайтарган, мантиқлидек кўринган баҳоналар яна қанча одамларнинг эзгуликка васила бўлишига тўсқинлик қилган. Бу борада англаб етганимни сизларга ҳам илиняпман, токи ўз кучимизга яраша бир кун эртароқ яхшилик сари одимлайлик. Зеро, ҳар биримиздан илоҳий даргоҳда кучимизга қараб ҳисоб сўралади!

Нигора АБДУМУХТОР қизи

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

МАЪНАВИЙ МЕРОС

“Ал-Азҳар” шайхи Аҳмад Тоййиб университет кутубхонасида сақланган Қуръони каримнинг XIX асрга оид нусхаси Францияда савдога қўйилишига қарши халқаро ташкилотларга мурожаат қилди. У Миср маданияти бойликларини очиқ савдога қўйиш барча халқаро конвенцияларга хилоф эканини таъкидлади. Ушбу ноёб қўлёзма Наполеон Бонопартнинг Мисрга қилган юришида Оврупага олиб кетилган. Нодир нусха кийик терисига кўчирилган, муқовасига тилла ҳал юргизилиб, саҳифалари нафис нақшлар билан безатилган.



ЕРОСТИ ШАҲРИ

Туркиянинг Чорум шаҳридаги йўл қурилишида ерости шаҳарчаси топилди. Қадимшунослар бу ерда фақат ғор эмас, балки бир-бирига ўтадиган йўллар, бинолар ва уйлар борлигини аниқлашди. Ерости шаҳарчасининг узунлиги етти километр, уйлар ва ибодатхоналарнинг ҳар бири тахминан ўн-ўн уч квадрат метрдан. Чорум музейи раҳбари Ўндар Ипак топилманинг Византия даврига оид экани ва мамлакат яна бир тарихий мулкка эга бўлганини таъкидлади.



ҚИММАТБАҶО ТАНГА

Қозоғистонда дунёдаги энг машҳур масжидлар, тарихий обидалар ва қадамжолар сурати туширилган тилла танга муомалага кирди. У соф олтиндан ясалган,



оғирлиги 3,11 грам, айланаси 16 миллиметр, қиймати 500 қозоқ тангасига тенг. Танга мамлакат ҳудудида харид қилиш, пул қўйиш, тўлов, қарз, валюта алмаштириш ёки бошқа хизматлар учун баробар кучга эга. Илк зарб этилган тангаларда 2004 йили Индонезиядаги даҳшатли сув тошқинидан омон қолган “Байтур Раҳмон” масжиди акс эттирилди.

ЯНГИЧА ИШЛАШ УСЛУБИ

Жаҳонда исломий банклар, суғурта ширкатлари ва жамғармалар ишлаш тизими қайтадан кўриб чиқилди. Ислмолияси тизимини назорат қилувчи халқаро ташкилот мижозлар билан муомала қилиш услубининг энг қулай ва фойдали томонларини тавсия этди. Қароргоҳи Баҳрайннинг Манама шаҳрида бўлган ушбу халқаро уюшма барча банк ва жамғармаларга маслаҳатлар, йўриқномаларини беради.



ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Эфиопия, Сомали, Кения, Эритрея ва Жибути каби Африка мамлакатларида иқлимнинг кескин ўзгариши деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликка салбий таъсир кўрсатди. Ҳаддан зиёд



исиш сўнгги олтмиш йил ичида илк бор кузатилди. Ўн бир миллионга яқин африкалик озиқ-овқат ва дори-дармон танқислиги шароитида қолди. Ислмо хамкорлик ташкилоти келишилган тартибда моддий ёрдам кўрсатди. Ташкилотнинг Могадишо шаҳридаги ваколатхонаси орқали барча керакли маҳсулотлар етказилапти. Саудия Арабистони олтмиш миллион, Қувайт ўн миллион ва Судан юз минг доллар хайрия маблағи

ажратди. ИХТга аъзо бошқа мамлакатлар ҳам хайрия ишига ҳисса қўшишяпти.

ЯНГИ МУЗЕЙ

22 ноябр куни Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида Ислом санъати музейи очилди. Ушбу санъат саройи тўқсон бир ёшли хитойлик машҳур меъмор чизмаси асосида барпо этилди. У Мисрдаги “Ибн Тулун” ва Испаниядаги “Қамбра” қадимий масжидлари тарҳидан андоза олган. Мутахассислар музей Қатар рамзига айланишини айтишмоқда. Бинонинг олд томони араб меъморлигига хос шишали тўртбурчак ойналардан ишланган. Кўргазмалар залида VIII–XIX асрларга оид қўлёзмалар, кулолчилик ва тўқимачилик буюмлари, темирдан ишланган санъат асарлари намойиш этилади. Музей ҳозирдан Лондон, Ньюйорк, Париж, Касабланка, Қоҳира шаҳарларидаги машҳур музейлар билан тажриба алмашиш бўйича беш йиллик шартномани имзолади.



РАССОМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Саудияда “Маккага муҳаббат” шиори остида Ислом санъати ва маданияти мусобақаси ўтказилади. Тадбир ташаббускори саудиялик санъат арбоби Юсуф Жамил. Дунёнинг энг машҳур рассомлари миллий анъаналарига хос услубда шаҳар деворларини безашади. Беллашув шаҳарнинг йигирмадан ортиқ кўчасида бўлиб ўтади. Юсуф Жамил чизиладиган суратларни интернет орқали намойиш этишни ҳам кўзда тутган.



ТАНЛОВ

Қозоғистоннинг Кокшетау шаҳрида ўзига хос, янги масжид қурилиши лойиҳаларининг тендери ўтказилди. Танловда “Қарағанда” масжидини безаган «Kagan Engineering» уюшмаси чизмаси ғолиб чиқди. Лойиҳага кўра, масжиднинг олд қисмига девор бўйлаб Аллоҳнинг тўқсон тўққиз

гўзал исми туширилади. Жоменинг ички қисмини безашда суюқ тилла ишлатилади. Ўн икки метрлик қубба, етти метрлик қандил, мрамар устунлар ва фируза рангли деворлар мажмуани бетакрор меъморлик санъати намунаси даражасига кўтаради.


ХАЛҚАРО ТАДБИР

Хитойнинг Гуанжу шаҳрида ҳар йили баҳор ва куз фаслларида ўтказиладиган “Кантон” халқаро кўргазмасининг эллик уч йиллик тўйи нишонланди. Ушбу тадбирни кўргазманинг доимий иштирокчилари ва тадбиркорлардан иборат гуруҳ ташкил этди. Йиғинда жаҳоннинг қирқ саккиз мамлакатидан ташриф буюрган турли миллат ва дин вакиллари қатнашди. Мунтазам ўтказиладиган анжуманда деярли барча соҳа эгалари ўзларининг янги маҳсулотлари ва ихтиролари билан тажриба алмашди. Оддий ишлаб чиқариш ускуналаридан тортиб, нодир санъат асарларигача намойиш қилинади. Бу анъана 1953 йилдан бери давом этяпти.



КЕЛАЖАК САРИ

Саудия Арабистони дунёда энг кўп нефт ишлаб чиқарадиган давлатлардан биридир. Мамлакат Аллоҳ таоло берган қора олтиндан аёвсиз фойдаланмоқда. “Citigroup” таҳлил ширкати мутахассислари бу ҳақда фикрларини изҳор этди. Ҳисобга кўра, мамлакат аҳолиси учун қазиб олинаётган ёнилғининг тўртдан бир қисми кифоя экан. Нефтни тўхтовсиз чет элга сотиш 2030 йилга бориб салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Ушбу маҳсулотга эҳтиёж кўплиги ва йил сайин нархи ортиши табиий. Мутахассислар йигирма йилдан сўнг мамлакат ўз эҳтиёжи учун худди шу нарсани камида икки баробар қимматга сотиш олиши мумкинлигини таъкидлашяпти.



ҚАРОР КУЧГА КИРАДИ

Қувайт вазирлар маҳкамаси хориждан келиб ишловчиларга яхши шароит яратиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Ишчиларга моддий ва маънавий ёрдам бериш ҳақидаги қонун барча мусулмонларни қувонтирди. Давлат палатаси муҳожирлар маҳаллий аҳолининг оғирини енгил қилаётгани ва уларга катта кўмак бераётганини ҳисобга олиб, ушбу қонунни маъқуллади. Лойиҳада уларнинг визаларини бепул расмийлаштириш ва маошидан ташқари маблағ ажратиш ҳам кўзда тутилган.



БРЮССЕЛДА ТАДБИР

Брюссел мусулмонлари уюшмаси Ислом маданияти кўрғазмасини ташкил қилди. Икки ҳафта давом этган кўрғазмада мамлакатдаги ширкатлар маҳсулотлари намоиш этилди. Унда икки юз элик минг нафар мусулмондан ташқари ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа дин вакиллари ҳам иштирок этишди. Тадбир доираси илмий-амалий анжуманларни ҳам ўз ичига олган. Қатнашчилар бир-бирлари билан жонли мулоқотда бўлиб, тажриба алмашдилар.



ҲАМДЎСТЛИК БИТИМИ

Донецк шаҳрида “Исломшунослик” мавзуида II халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда давлат ва дин арбоблари ҳамда мамлакатдаги халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Анжумандан кейин Молдова мусулмонлар уюшмаси ва Украина мусулмонлари идораси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Битимда икки халқ ўртасида минг йиллик тарихга



эга дўстлик ришталарини уйғунлаштириш, тажриба алмашиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

ИСЛОМ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Сўнгги беш йил мобайнида Американинг Миссури штати мусулмонлари сони икки баробар ортди. Шу вақтгача одамлар намозни кўча ва йўлақларда ўқиб юришар эди. Миссури штатининг Ролла шаҳрида очилган исломий марказ бу муаммони бир оз бўлса-да, ечишга ёрдам беради. Марказда масжид, дарсхоналар ва болалар ўйин майдончаси бор. Бу ерда мусулмонлар оилалари билан эмин-эркин ибодат қилишлари ва диний билим олишлари мумкин. Қурилиш харажатлари Америка мусулмонларидан тушган хайр-эҳсон ҳисобидан қопланди.

ҚУРЪОНИ КАРИМ ИМО-ИШОРА ТИЛИДА

Иорданиядаги Қуръони каримни сақлаш жамияти биринчи бор қулоғи оғир, карлар учун Қуръони карим DVD дискини чиқарди. Ушбу диск карларга имо-ишора ёрдамида Аллоҳ каломини ёритиб беради. “Диск ёзиш учун беш йил сарфладик, – дейди лойиҳа иш бошқарувчиси Аҳмад Ийд. – Қуръон шарҳларини ўрганиб чиқиб, энг содда шаклини олдик. Ўттиз пора олтмишта дискка сиғди. Кейинчалик бундай дискларни ҳаё сифатида тарқатишни режалаштиряпмиз”.



ЧИТА ТАРИХИЙ МАСЖИДИ

Бойқолорти ўлкаси жоме масжиди шу йили бир юз беш ёшни нишонлайди. Бу атрофда ўн тўрт минг аҳоли учун ягона масжиддир. XIX аср бошида бунёд этилган тарихий обида бир неча йиллар омборхона ва ётоқхона вазифасини ўтаган. 1993 йилдагина масжид сифатида фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳозир уни таъмирлаб, яна қўшимча бир хонақоҳ барпо этиляпти.

Азизхон ҲАКИМОВ
тайёрлади.



Замонасининг пешволари

Ўн тўққизинчи аср охири XX аср биринчи ярмида Намангандан бир қатор дин арбоблари етишиб чиқди. Мулла Сотти охунд, у зотнинг ўғиллари Иброҳим махдум, Исмоил махдум ва Исҳоқ махдум шулар жумласидандир. Бу зотлар совет замонининг даҳриёна тақиқлари ва ҳар қадамдаги ситамларига қарамай, диний билимларни пухта эгаллашди. Кўп йиллар дину диёнат йўлида турли масжиду мадрасаларда холис хизмат қилишди.

Сотти Охунднинг тўнғич ўғли Иброҳим махдум 1890 йили туғилган. Тўққиз ёшида Қуръонни ёд олиб, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганди. Отасининг изидан бориб турли йиллар масжидларда имомлик, Бухородаги Мир Араб мадрасасида мадаррислик қилди. Иброҳим махдум диний билимлардан ташқари тарих ва тиб илмидан ҳам етук олим эди. У киши 1983 йили оламдан ўтган.

Иккинчи ўғил – Исмоил махдум 1893 йили дунёга келган. Бошланғич билимларни отасидан, маҳалладаги мактабда олган бу зот 13 ёшида Қуръони каримни Наманганнинг машҳур қориларидан Ғофир қори домлада ёд олди. Кейинроқ таҳсилни “Мулла Қирғиз” мадрасасида давом эттирди.

1943 йилга келиб шўролар ҳукумати динларга бир оз эр-

кинлик берди. Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон бошчилигида бир неча уламолар Москвага таклиф этилади. У ердан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасини ташкил этиш, масжидлар очишга рухсатнома ва совет армияси ғалабасини тилаб дуода бўлиш топшириғи билан қайтишади. Ўша гуруҳ сафида Исмоил Махдум ҳам бор эди. Кейинчалик у Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари билан бирга муборак ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлди. Бирмунча вақт Намангандаги “Шайх Эшон” масжидида имомлик қилган Исмоил махдумни Тошкентга диний идорага ишга таклиф этишади. Исмоил махдум 1952 йилдан бошлаб ушбу идорада муҳтасиб, кейинчалик Мир Араб мадрасасида мудир, 1957 йилдан то умрининг охиригача диний идора раиси муовини ва қози лавозимида хизмат қилди. У кишининг диний идорадаги фаолияти жуда серқирра, шарафли, айна дамда масъулиятли ва мушкул бўлган. Бир томондан даҳрийлик асосига қурилган тузумнинг тазйиқи, иккинчи томондан Аллоҳнинг динини исломий заминда яшаётган, аммо зўрлик қутқуси остида динини унута бошлаган мусулмонлар орасида тарғиб этиш зарур эди.

Совет даврида машҳур бўлган бир жамоат арбоби: “Агар Исмоил махдум дин арбоби бўлмаганида, ўткир сиёсатчи ёки моҳир дипломат бўлиши мумкин эди”, деб айтган экан.

Исмоил махдум 1976 йили оламдан ўтди.

Сотти охунд домланинг учинчи ўғли Исҳоқ махдум 1911 йили туғилган. Бошланғич диний таълимни отасидан, сўнгра Умарча қори домла ва Ғофир қори домладан олган. Исҳоқ махдум жуда эрта Қуръон ҳофизи бўлган. У киши 1946 – 1951 йиллари Мир Араб мадрасасида таълим олди ва Наманган шаҳридаги “Шайх Эшон”, Тошкент шаҳридаги “Жўрабек”, Гулистон, Ўш, Асака, Қўқон шаҳарларидаги, Уйчи ва Чуст туманларидаги масжидларда имом-хатиблик қилади. “Тафсирул калом ва одобут таом”, “Мажмуатул ахлоқ мин таърифи қори Исҳоқ” номли асарлар ёзган. У зот шахсий кутубхонасида жуда кўп машҳур тарихий манбаларни тўплаган.

Исҳоқ махдум 1994 йили Наманган шаҳрида оламдан ўтди.

Аллоҳ таоло маърифат аҳлларидан бўлган уламоларимизнинг руҳларини шод, охира-ратларини обод айласин.

Низомжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Янгиқўрғон туманидаги “Эскиобод”
жомеи имом-хатиби

Ориф ТОЛИБ

Чин бахт насиб этар кўнгли соғларга

ТИЛАК

Ўзидай мард бўлар йигитнинг сўзи –
Жону жигарига туташ илдизи.
Илойим, ерларга боқмасин кўзи –
Боши баланд бўлсин, сўзи синмасин.

Ҳар ким яшаб ўтсин ўзидан рози,
Ишонч билан, дадил чиқсин овози.
Қишга айланмасин баҳори, ёзи,
Юрагига қайғу-алам инмасин.

Бировнинг тинч уйин бузган кимсанинг,
Фасоду фитналар тузган кимсанинг,
Етимни, кучсизни эзган кимсанинг
Кўзларидан қонли ёши тинмасин.

Чин бахт насиб этар кўнгли соғларга,
Кутганлар соғ етсин кўклам чоғларга,
Жонон ҳаволи бу гўзал боғларга
Ичу таши қора зоғлар кўнмасин.

Дуога очайлик, келинг, қўлимиз,
Тангри рост айласин тутган йўлимиз.
Шундан равшан тортиб доим дилимиз –
Юракларда эзгу тилак сўнмасин!

ЎЗИНГСАН

Қоронғу йўлимни ёритсин имон,
Менга оғир ишни айлагин осон –
Нафсим енгилсину енгил тортсин жон,
Қалбимни покловчи Ўзингсан, Аллоҳ.

Сирот кўпригидир, аслида, ҳаёт,
Янглиш қадам боссам – топганим барбод.
Таваккул сенгадир, сендандир нажот,
Омонда сақловчи Ўзингсан, Аллоҳ.

Дунё ишларидан кўнглим чўғдир, чўғ,
Саволлар – заҳарга тўйган ўқдир, ўқ.
Аммо Қиёматни ўйлаб кўнглим тўқ –
Тўғрини оқловчи Ўзингсан, Аллоҳ.

Ҳар кимнинг мурудин англаган сенсан,
Девонанинг ишин ўнглаган сенсан.
Мазлумларнинг оҳин тинглаган сенсан,
Ожизни йўқловчи Ўзингсан, Аллоҳ.

Роҳат-фароғатдан дам урганда нафс,
Танглик, талафотдан дам урганда нафс,
Очлигу кулфатдан дам урганда нафс,
Кўнглини тўқловчи Ўзингсан, Аллоҳ.

Қаҳринг адолатдир, меҳринг адолат,
Ўзинг ҳидоят қил – қилгил ҳимоят.
Ҳақ сўз бер ва шунга яраша тоқат,
Ҳақ сўзни ёқловчи Ўзингсан, Аллоҳ.

ОНАМ

Мендан олисларда, мендан узоқда,
Тонглардан йироқда, кундан йироқда.
Ўғлисиз ҳувиллаб қолган қишлоқда
Йўлимга интизор онам бор менинг.

Дарё кўнгли недан яралган экан,
Бунчалар теран у, бунчалар улкан.
Хафа бўлишнинг эпполмайдиган
Содда ва беозор онам бор менинг.

Қанийди, шу бахтга ета олсайдим,
Шу катта синовдан ўта олсайдим –
Онам кўнглини шод эта олсайдим,
Ўғлидан умидвор онам бор менинг.

Балки тушларида мени кўргандир,
Келар деб нонга сут излаб юргандир,
Йўл бошида илҳақ кутиб тургандир...
Йўлимга интизор онам бор менинг.

Муҳаммад АҲМЕДОВ

ҲЕЧ КИМ

Бировнинг тўрига илинар, лекин
Бировнинг гўрига кирмайди ҳеч ким.

Ошино бўлару ағёрлар секин,
Фош бўлар сирларинг билмайди ҳеч ким.

Гийбату тухматдан ғашланса дил,
Ассосиз гаплардан сўлмайди ҳеч ким.

Сўзи ҳам, йўли ҳам ҳақ бўлса агар,
Бағрини бекорга тилмайди ҳеч ким.

Чор атрофга қанча довруқ солмасин,
Нопокни назарга илмайди ҳеч ким.

Ҳар қанча уринса турли йўлларда,
Меҳнатсиз бадавлат бўлмайди ҳеч ким.

Тинчлигу соғликни бахт дер Муҳаммад,
Уни Ҳақ йўлидан буролмайди ҳеч ким.

ОҚИЛА БЎЛСА АЁЛ

Турмуш бўлса бир карвон,
Эркақдир унга сарбон.
Карвоннинг йўли равон,
Оқилад бўлса аёл.

Хонадон фариштаси,
Саронжом-сариштаси.
Сабрдан жон риштаси,
Оқилад бўлса аёл.

Оила бир чамандир,
Ватан ичра ватандир,
Ҳаловатга маскандир,
Оқилад бўлса аёл.

Эр шаънининг қалқони,
Фарзанд бахтин қўрғони,
Аҳилликнинг посбони,
Оқилад бўлса аёл.

Меҳри қуёшларга тенг,
У бор – дунё ёруғ, кенг,
Саодат менга ёр, денг,
Оқилад бўлса аёл.
Солиҳа бўлса аёл.

КАМТАРЛИК ҚАНДАЙ ЯХШИ

Шону шуҳрат керакмас, мақтовлардан қочаман,
Мени тушунсанг, дўстим, юрагимни очаман.
Камтар бўлсанг, бошингдан бор меҳримни сочаман,
Фақат камтар бўлгин-ей, камтарлик қандай яхши,
Кибру ҳаво керакмас, оддийлик инсон нақши.

Кўп сўзлама, оз сўзла, ёлғонни қўй, рост сўзла,
Қайдаки манманлик бор, ўшал жойида “тузла”,
Мақтанчоқлик ярашмас сен оддийликни кўзла,
Фақат камтар бўлгин-ей камтарлик қандай яхши,
Кибру ҳаво керакмас, оддийлик инсон нақши.

Инсон фақат меҳнат-ла зебу зийнатли бўлгай,
У тақдирдан минг рози, қалби қувончга тўлгай,
Ҳаётнинг мазмунини илму одобда билгай,
Муҳаммад, камтар бўлгин, камтарлик қандай яхши,
Кибру ҳаво керакмас, оддийлик инсон нақши.

Ғиждувон тумани

Мунисахон ҲАМИДОВА

НАСИҲАТ

Эй кўнгил, дунёда не мушкулот бордир сенга,
Бир Худога такай айла, сабр даркордир сенга.

Таъналар этса бу ҳолингга агар ошноларинг,
Қилма парво, иншааллоҳ, Ҳақ ўзи ёрдир сенга.

Ҳар дамига минг шукр қилмоқ керак, сен бандасан,
Ҳожатинг қилгай раво, Аллоҳ нажоткордир сенга.

Ҳар балога собир ўл, ҳар қазога бўл ризо,
Дилни бер Раббингга сен, Ўзи мадакордир сенга.

Соғлигинг бир давлат эрса, тинчлигинг бир давлатинг,
Бас, недан сен норизо, не муддао бордир санга?

Дил ўйин этгил ёруғ Ҳақ ёди бирлан доимо,
Ойнинг ўн беши мунаввар – нур-зиё бордир сенга.

Китоб тумани

Халқимиз орасида таъзия бўлган хонадонда маййит чиқмасдан туриб, ҳолвайтар, айрим жойларда чалпак ёки бўғирсоқ пишириш одати бор.

Чунки аёлларимиз орасида “Пиширилган ҳолвайтарнинг иси маййит бурнига кириши керак. Бу ота-боболаримиздан қолган удум, қилмасак руҳлари норози бўлади”, каби нотўғри эътиқодда юрганлар учраб туради. Яна кишилар орасида “Руҳлар оч қолса, тирикларга зиён етказди, уларни озиклантириш керак”, деган тушунчадагилар ҳам бор. Уларга кўра, гўё руҳлар ҳолвайтар, чўзма ва бўғирсоқ исини “тановул” қилар эмиш. Аёллар орасидаги “ис чиқариш” эътиқоди шундан пайдо бўлган.

Ҳолвайтарнинг “савоби”


Айримлар буни ҳам иримга, қатъий қоидага айлантириб олишган. Аслида, бу Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) тавсиялари. Абдуллоҳ ибн Жаъфардан

(розиаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Жаъфарнинг ўлими хабари келганида, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Чунки

уларни машғул қиладиган нарса келиб қолди”, дедилар» (Имом Термизий ва Абу Довуд).

Таъзияли хонадон эгалари қайғу ичида бўлгани, кўнгилларига сиғмагани сабаб қўшнилар, қариндошлар овқат келтиришади. Лекин оилада касаллар, ёш болалар бўлса, таъзияхонада ҳам таом тайёрлаш мумкин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беморлар ва яқинлари вафот этган оилалар учун “талбина” номли таомни тавсия этганлар.

«У киши ўз аҳлларидан бирон киши вафот этган бўлса, аёллар тўпланиб тарқаганидан сўнг, фақат аҳллари ва хос кишилар қолганида бир қозонча талбина қилишга буюрардилар. Сўнгра у нонли шўрва устига қуйиларди. Кейин у киши: “Эй аёллар, шуни еб олинглар. Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) талбина беморнинг юрагини қувватли қилади ва маҳзунликни кетказди, деганларини эшитганман”, дер эди» (Муттафақун алайҳ).



Талбина ун, сут ва асалдан пишириб тайёрланадиган таом бўлиб, “ҳасаа”, “ҳарира” деган номлари ҳам бўлган. Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитганлари учун таъзияларда аёлларга ўша таомни егизар эканлар. Яна эътиборли жиҳати, бу таом кўнгил сўраб келганлар кетганидан кейин, фақат мусибатхона аҳли учун тайёрланган. Аҳамият берсак, ҳолвайтар таркиби ва тайёрланиши жиҳатидан талбинага ўхшайди. Фақат сут ўрнига ёғ, асал ўрнига шакар ишлатилади.

Ҳолвайтарнинг хусусиятларига келсак, у тез тайёрланади, қувватсизликда ҳамда совуқлик ошиб кетганида танага куч бағишлайди. Шундай экан, унга маъракамаросимларда, ёмон туш кўрганда пишириладиган эмас, балки саломатлигимизга фойдали овқат деб қараш тўғри бўлади.

**Мунира
АБУБАКИРОВА**

**Борма айтмаганнинг
дастурхонига,
Қўл узатсанг,
қадринг тушар
нонига.**

Паҳлавон Маҳмуд

Яхшиликка ундаш ҳам яхшиликдир

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг илму маърифатни тарғиб этувчи нашрлари – “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловаларига обуна қизгин паллага кирди.

“Ҳидоят” ва “Ислом нури” имом-хатибларга дастуриламал, диний билим юртлари талабаларига қўлланма, онахонларимиз, опа-сингилларимизга, қўйингки, барча ўқувчиларимизга яхши насихатчи, эскирмайдиган манба десак, муболаға бўлмайди. Севимли нашрларимизнинг “Тафсир”, “Ҳадис шарҳи”, “Саҳобалар ҳаёти”, “Сўраган эдингиз”, “Ислом ва олам”, “Олисларга саёҳат” каби қатор рукнлари остида бериладиган мақолалар, хабарларни ўқиб, билим доирангиз кенгайди, воқеа-хабарлардан воқиф бўласиз.



Ҳар йилгидек обуна мавсумидаги тарғибот-ташвиқот ишларида жоме масжидлари имом-хатиблари асосий кўмакчиларимиз ҳисобланади. Улар орқали ушбу нашрлар эл орасига ёйилиб, кўпчилик юртдошларимиз баҳра олишяпти. Албатта, ҳар қандай эзгу иш ажр-мукофотсиз қолмайди. Кишиларни яхшиликка ундаш ҳам уни бажаришдек савоблидир.

Умид қиламиз, муҳтарам имом-домлаларимиз обуна мавсумида ўтган йилларгидан фаолроқ бўлишади. Идорамизнинг ушбу нашрларини доимо ўқиб юрган инсоннинг илми зиёда бўлиши, фазилати кўпайиши шубҳасиз. Демак, уларни тарғиб этиш илмга, яхшиликка тарғиб этиш билан баробар. Маълумки, илмга тарғиб этишнинг савоби уни эгаллашдек машаққатли амалнинг ажри билан тенг. Шундай экан, бу эзгу ҳаракат ривожини йўлида барчамиз бирдек жон куйдирайлик.

Таҳририят

Асҳоби қаҳф ўзбек адабиётида

Асҳоби қаҳф (ғорда қолган одамлар) ҳақидаги тарихий воқеа муқаддас китоблардан жой олган. Асҳоби қаҳф мавзуи Туркистонга илк бор Қуръон билан, сўнгра эса Қуръоннинг туркий тафсирилари ва таржималари орқали кириб келган.

Бизнингча, ўзбек адабиётида бу мавзуга илк бор 1310 йили Носириддин Рабғузий “Қисаси Рабғузий” асарида мурожаат этган. Ушбу асар пайғамбарлар ҳақида туркий тилда ёзилган энг қадимий наср намуналаридан бири экани билан ҳам қадрлидир. Китобдаги “Қиссаи Асҳоби қаҳф” қисмидан бир парча келтирамиз: «Айтмишлар, Румда бир малик бор эрди, явлоқ (*ёмон, ярамас*), жаббор эрди. Дақёнус отлиғ. Вазири бор эрди. Черики телим (*кўп*) эрди. Яна бир малик бирла ёғилашти, санчиштилар. Ул малик ҳазимат бўлди, ўлтурди. Ул маликнинг олти ўғли бор эрди, булун (*тутқун*) келтурди, топуғ келтурди. Ўзи Тенгриман, оғзига тупроқ, таки ўзига сажда қилдирур эрди. Бир куни хабар келди, ёғи келур теб. Дақёнус ани эшитиб, қўрқуб, титради. Аймишлар, саройда тахт уза ўлтурурда сарой тунглукидин икки мушук урушуб харлашу тушдилар. Дақёнус мушуклар унидин қўрқуб беҳуш бўлди. Бу олти қариндош ани кўруб айдилар: “Бу Тенгри эрмиш, мушукдин налук қўрқар. Биз мундин кеталинг, ҳақиқат Тенгрини тилалинг”, теб қочарга кенгаштилар».

Урушда Дақёнусга асир тушган шахзодаларнинг тўнғичи Тамлихо укаларига: “Чавгон ўйналаётганда, тўпни сарой ёққа секин, чўл томонга қаттиқ уринлар. Тўп кетидан бораётгандай бўлиб қочиб кетамиз”, деб тайинлайди. Дақёнус чавгон ўйинини томоша қилиб ўтирар, тўпни узоққа улоқтирганга шоҳона тўн тортиқ қиларди. Қочишга келишиб олган олти ака-ука тўпни икки йиғоч (12 км) ергача уриб боради

ва саройдан узоқлашади. Устиларидаги яхши кийимларини ечиб, яширинча келтирилган эски кийимларни кийишади. Йўлда бир қўйчи-чўпон улардан, қаёққа кетяпсиз, деб сўрайди. Улар, Тангрини истаб боряпмиз, деб жавоб беради. Чўпон, мен ҳам сизлар билан борайин, олдин қўйларни эгаларига топширайин, дейди. Қўйчибон подани эгаларига бериб, улар билан йўлга тушади. Подачининг Қазқазин деган ити ҳам йўлчиларга эргашади. Рабғузий йўлчиларнинг отлари Тамлихо, Ирсиг, Мино, Мартолус, Сарринус, Зуанас, қўйчининг оти Кафиттинус, итнинг оти Қитмир (*бу ўринда итнинг оти арабча “охиргиси” маъносидаги “қитмир” сўзи билан аталган, аслида, олдин таъкидланганидай, Қазқизиндир – Т.Қ.*) эди, деб таъкидлайди.

Дақёнус уларни қидиртиради, бироқ тополмайди. Бир куни овга чиққанида узоқдан ўша ғорга кўзи тушади. Ғорга кириб, уларни ухлаб ётган ҳолда кўради. Оёқлари қаварган, барчасини чанг-тўзон қоплаган эди. Бари ўлибди, ўзларига ўзлари қилди, дейди-да, ортига қайтиб кетади.

Улар Аллоҳ иродаси билан уч юз йилу тўққиз ой ғор ичида ётадилар. Уйғонгач, қанча ухладик, дея ўзаро баҳслашадилар. Бири тўққиз ой, бошқаси тўққиз кун дейди. Тамлихо эса, бир кун бўлди, холос, деб тахмин қилади. Кунга қарайдилар: уйқуга кетишаркан, қуёш кунюрарда эди, энди қайтган, уфқ томон оғган эди. Охири: “Қанча ўтганини Худо билади”, дейдилар.

Очиққанларини сезгач, бирортамиз шаҳарга тушиб, бирор егулик олиб келайлик, деб кенгашадилар. Бирлари: “Борганни таниб қолсалар, тутиб, тошбўрон қилишади ёки динларига киритишади, кейин биз ҳам қутулмаймиз”, деб хавотир билдиради.

Хуллас, Тамлихо ақча олиб, йўлга тушади. Кўп йиллар ўтгани боис бозор йўлини тополмайди. Шу сабаб, ё ҳалиям уйқудаманми, деган ўйга ҳам боради. Бозорни топгач, нон олиш учун сотувчига пул узатади. Сотувчи: “Хазина топган кўринадан, мени шерик қилмасанг, подшога айтаман”, деб уни кўрқитади. “Бу нима деганинг ахир, – дейди Тамлихо. – Биз кеча тоққа чиққан эдик. Қорнимиз очиб, бугун нон олгани келдим. Пулни ол ва нон бер”. Сотувчи унамайди ва уни подшога олиб боради. Подшо Ястағод деган мусулмон экан, эли ҳам мусулмон экан. Тамлихо бу подшони Дақёнус деб ўйлайди.


Подшо ундан кимлигини, қаердан келганини суриштиради. Тамлихо ўтган гапларни айтиб беради. Подшо уламодан: “Китобларда шу гаплар борми?” деб сўрайди. Бир олим: “Мен бир китобдан топдим. Дақёнус даврида олти йигит қочиб, тоғдаги ғорда қолган экан”, деб маълумот беради. Подшо: “Қани, отланинг, бориб кўрайлик”, дейди. Тамлихо уларга: “Сизлар бериқроқда туриглар, мен ғорга кириб, сизнинг Дақёнус эмаслигингизни айттайин, кўрқмасинлар”, дейди. Тамлихо ғорга кириб, подшо келди, дейиши билан қардошлар барчаси хушдан кетишибди. Яна ўзларига келишибди...

Шу ҳолат тасвиридан кейин Рабғузий муҳим бир ҳолатни баён этади. Яъни: “Ул элда икки турлук халойиқ бор эрди. Бириси айтур эрди, Тенгри азза ва жалла жонни тиргизур, танни тиргузмас, дер эрди. Тақи бири айтур эрди, танни ҳам, жонни ҳам тиргизур. Қачон буларни кўрдилар эрса билдиларким, танни ҳам тиргизур эрмиш”.

Профессор Ҳамидулла Болтабоев ёзишича, “Турк дунёси илмида барча муфассир ва ислом-

шунослар тан олган илк туркий тафсир XII–XIII асрларда номаълум муаллиф томонидан ёзилган. Унинг қўлёзма нусхаси 1914 йили Қаршида топилган ва Бухорога келтирилган. 1920 йили Бухорода шўролар ҳукумати ўрнатилгач, тафсир Санкт-Петербург шаҳрига олиб кетилган”¹.

Петербург шарқшунослик институтида 197-рақам билан сақланаётган ана шу қўлёзма нусхасига суяниб, Каҳф сураси тафсирини профессорлар Қозоқбой Маҳмудов ва Ҳамидулла Болтабоев бугунги ўзбекчага табдил этиб, “Ислом тасаввуфи манбалари” китобида нашр



этирди. Бу ҳам ўзбек адабиётига Асҳоби қаҳф мавзусининг таъсири масаласини ўрганишда муҳим манбадир, албатта. Бу тафсирдаги воқеа баёнида Рабғузий ҳикоясидаги маълумотлардан фарқли ўринлар бор. Рабғузийда воқеа кечган ер исми берилмаган. Тафсирда эса: “Юнон элида бир халқ бор эди, бу элнинг номи Ақсус эди... Асҳоби қаҳф кишилари Ақсус кентида Тангрига сиғинар эди ва ўзлари мусулмон эдилар...” дейилади.²

¹ Туркий тафсир – “Ислом тасаввуфи манбалари” тўплами. Тузувчи профессор Ҳамидулла Болтабоев. Тошкент. “Ўқитувчи” 2005 й. 50-б.

² Ўша китоб, 59-бет.

Туркий тафсирда ҳам ғор кишиларининг етти нафар экани, уларга ит йўлдош бўлгани айтилган. Киши исмлари Рабғузидан бошқачароқ, яъни: “улуғларининг оти Маскина, иккинчиси Махлиса... Шалиха, Батарус, Йамлиха, Қорабош, Саро... Итнинг оти Қитмир”.³

Асҳоби қаҳф мавзуининг ўзбек мумтоз дostonларига кириб келишида буюк шоир Алишер Навоийнинг хизмати улуғдир. Навоий мусулмонлик тушунчаларининг халқ орасида кенг ёйилишида худди Аҳмад Яссавий йўлидан бориб, Қуръони карим оятлари ва ҳадисларнинг маъноларини барча асарларига сингдириб юборган. Ғорда қолган одамлар мавзуи “Маҳбул кулуб” асарида ва “Лисонут тайр” дostonидаги “Шайх Нажмиддин Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи” бобида талқин этилган.

Янги давр ижодкорлари бу дostonдан, сўнгра 1990 йилларда босилган Қуръоннинг ўзбекча маънолар таржимасидаги Қаҳф сурасидан ва бошқа диний-маърифий асарлардан таъсирланиб шеърлар ва ҳикоялар яратишди. Масалан, Маҳкам Маҳмуднинг “Асҳоби қаҳф” номли ҳикояси бунга мисолдир.

Глобаллашиб бораётган дунёнинг глобал фожиаларидан, чигал муаммоларидан бири маънавий тарбиясизликдир. Бу вазиятда Асҳоби қаҳф мавзусининг адабиётда ишланиши унинг тарихий, диний ва адабий аҳамиятга эгаллигини кўрсатяпти. Инсонлар имонга суянган ҳолда яшаши керак. Имонсизлик ижтимоий тенгсизлик, зулм, одамлар ва бошқа мавжудотларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш муаммоси XXI асрнинг энг катта муаммоларидан биридир. Бу нуқтадан боқилса, Асҳоби қаҳф мавзусининг ўзи ва унинг адабиётда ишланиши нақадар қийматли экани англашилади.

Тоҳир ҚАҲҲОР,
шоир, жаҳон тиллари
университети доценти

³ *Ўша китоб, 61-б.*

Руминия Республикаси

Майдони: 238 391 кв.км.

Аҳолиси: 22 милёнга яқин. Аҳоли сони бўйича дунёда 56-ўринда туради.

Пойтахти: Бухарест шаҳри.

Тузуми: парламентар республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 41 та жудес ва Бухарест муниципийига бўлинади.

Йирик шаҳарлари: Бухарест, Ясси, Тимишоара, Констанса, Галас.

Пул бирлиги: лей.

Жуғрофий ўрни. Жануби-шарқий Оврупада жойлашган. Шарқда Прут дарёси бўйлаб Молдавия билан, шимолда Дунай дарёси бўйлаб Украина билан, ғарбда Венгрия ва Сербия, жанубда эса Болгария билан чегарадош. Жануби-шарқий соҳилларини Қора денгиз сувлари ювиб туради.

Мамлакат ҳудудининг кўп қисмини тоғлар ва тепаликлар эгаллайди. Асосий тоғ тизмаси – Карпат мамлакат ҳудудида катта ёй шаклини ҳосил қилади. Энг баланд нуқтаси Молдавану тоғида – 2544 метр. Энг катта дарёси – Дунай.

Мамлакат ҳудудининг ўн уч фоизи ўрмонлардан иборат. Руминия ўрмонларнинг табиий ҳолатига зарар етказмаслик бўйича Оврупада етакчилардан.

Тарихи. Мамлакат номи “Рим”, “Римга оид” маъноларидаги лотинча “romanus” сўзидан келиб чиққан.

... Руминия Усмонли султонлиги таркибидаги вассал давлат сифатида 1859 йили – Молдавия ва Валахия бекликлари қўшилишидан ташкил топди. Ҳозирги Руминиянинг яна бир тарихий ҳудуди – Трансилвания бу пайтда Австрия-Венгрия қўл остида эди. Россия-Туркия уруши бошланиши натижасида 1877 йил 9 майда Руминия мустақилликни қўлга киритди.

Биринчи жаҳон урушида Руминия бошида бетараф бўлиб турди, 1916 йил 28 августда эса Антанта иттифоқи томонида урушга кирди. Натижада Трансилвания ва Бессарабияни ўз ҳудудига қўшиб олди. Урушдан сўнг



мамлакатда парламентар демократия эълон қилинди. 1938 йил апрелида парламент тарқатиб юборилди ва қирол ҳокимияти ўрнатилди. 1940 йили Молотов-Риббентроп келишувига асосан совет қўшинлари Бессарабия ва Шимолий Букавинани забт этди. Бу эса Руминиянинг Олмония билан яқинлашувига олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида Руминия Олмония билан иттифоқдош бўлди. Бироқ 1944 йил августда қирол Михай I Олмонияга қарши уруш эълон қилди. Шундан сўнг Бухарестга совет қўшинлари киритилди ва иттифоқчилар олдин Венгрия, сўнг Австрия ҳудудларида гитлерчиларга қарши курашди. Урушдан сўнг Руминия Совет Иттифоқи таъсирига тушиб қолди, мамлакатда қонунчилик ҳокимиятининг советча тизими ўрнатилди. Лекин маҳаллий ҳокимиятга сайловларда демократик тартиб сақлаб қолинди.

1947 йили қирол Михай I тахтдан воз кечди ва Руминия Халқ Республикаси эълон қилинди. 1948 йили социалистик ислохотлар бошланди, хусусий корхоналар давлат ихтиёрига ўтказилиб, жамоа ҳўжалиги тартиби жорий этилди.

1965 йил 21 августдан Руминия “Социалистик Республика” деб атала бошланди.

1948–1989 йиллари – Руминия Компартияси ҳукмронлиги даврида мамлакат Совет Иттифоқи таъсирида бўлди. Айниқса, Николае Чаушеску диктаторлик режими (1965–1989) давлат ривожига ҳалокатли таъсир қилди. 1977–1981 йилларда давлатнинг ташқи қарзлари 3 миллиарддан 10 миллиард долларгача ўсди, натижада Халқаро ва-

люта жамғармаси ва Жаҳон банкининг таъсири кучайди. Иқтисодиётдаги қаттиққўл сиёсат ва собиқ Иттифоқдаги қайта қуриш ўлкада норозилик кайфиятининг кучайишига олиб келди. 1989 йили Руминия инқилоби юз берди ва Чаушеску ҳукуматдан олиниб, отилди. Руминия Компартияси тугатилди, мамлакат номи ўзгартирилиб, “Руминия” деб атала бошлади. Ҳукумат Миллий қутқарув фронтига ўтди, вақтинчалик парламент – Миллий бирлик кенгаши тузилди. 1990 йил майида парламент ва президентликка биринчи эркин сайловлар ўтказилди.

Руминия 1955 йил 14 декабрдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси. 2004 йил 29 мартда НАТОга қўшилди, 2007 йил 1 январда эса Оврупа Иттифоқига кирди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олган ва 1995 йил 6 октябрда дипломатия муносабатларини ўрнатган. Миллий байрами 1 декабр – Руминия миллий куни (1918).

Иқтисоди. Нефт захираси, сайёҳлик тармоғи имкониятлари ва инфляциянинг пасайиб бориши иқтисодиётининг устун жиҳатлари саналади. Экспорт ҳажми ортаётгани сабабли 2000 йилдан буён ўсиш кузатилади.

Мамлакат нефт қазиб олиш саноатининг асосий улуши “Rompetrol” компаниясига тегишли. Бу корхона акцияларининг назорат пакети Қозоғистоннинг “КазМунайГаз” давлат нефт компаниясида. Бироқ эгалланган нефт захиралари камлиги учун қазиб олиш ҳажми йилдан йилга озайиб борапти. 2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Руминия истеъмол қилаётган нефт ўзи ишлаб чиқараётганидан икки баробар кўп.

Асосан машинасозлик ва металлургия саноати маҳсулотлари экспорт қилинади. Импорт маҳсулотлари ичида машинасозлик буюмлари, хомашё, нефт ва газ, ип-газлама етакчи. Ишчи кучининг 30 фоизи қишлоқ ҳўжалигида, 23 фоизи саноатда, 47 фоизи хизмат кўрсатишда банд.

Ташқи савдода асосан Олмония, Италия ва Франция билан шерикчилик қилади.

Давлат тили – румин тили. У 90 фоиз аҳолининг она тилиси саналади. Тарқалиш бўйича венгер тили иккинчи ўринда, у 6,8 фоиз аҳолининг она тилисидир. Руминларнинг кўпчилиги инглиз, франсуз, испан ва италян тилларини билади.

Дини. Руминияда расмий дин йўқ. Аҳолининг кўпчилиги қисми насронийликнинг православие йўналишида.

Ҳозир мамлакат аҳолисининг 0,3 фоизи – 68 минг киши мусулмон. Улар орасида румин турклари ва дунай татарлари кўпчиликни ташкил этади. Ислон дини мамлакатда расман тан олинган. Мусулмонларнинг катта қисми Добружа вилояти ва Констанса шаҳри яқинидаги қишлоқ жойларда, Қора денгиз соҳилларида яшайди.

Бу тупроқларда Ислон дини ёйила бошлаганига етти асрдан ошди. Айрим манбаларга кўра, Ислон дини Руминия ҳудудларига Византия қироллиги давридаёқ кириб келган. Дин ёйилишида Қора денгиз соҳилларидаги Шимолий Добружа вилоятининг ўрни катта. Ушбу ҳудуд беш аср давомида (тахминан 1420–1827 йиллар) Усмонли султонлиги қўл остида бўлди ва 1878 йили Руминия таркибига кирди.

Мамлакатда мусулмонларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш, уларга ҳартомонлама ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи Руминия мусулмонлари уюшмаси ташкил этилди.

Ҳозир Руминияда саксонта масжид бор. Констанса шаҳри ислоний марказ ҳисобланади. Бу ерда Қирол I масжиди ва муфтий бошқармаси жойлашган. Констанса яқинидаги Мангалия шаҳарчасида 1525 йили қурилган тарихий жоме бор. Юқорида тилга олинган икки масжид, шунингдек, Ҳаршова, Амзачеа, Бабадаг ва Тулчеадаги жомелар давлат тарихий ёдгорликлари деб тан олинган.

Мамлакатда Руминия муфтияти, Руминия Ислон ва маданият ташкилоти, Руминия мусулмонлари уюшмаси каби ислоний идоралар фаолият юритади.

Орифжон МАДВАЛИЕВ
тайёрлади.



Нимани унутиш керак?

Бола тилла топгандек ичига сиғмай чопқиллаб келди:

– Ойи, қайдасиз? Ойижон!

– Ҳа, болам, тинчликми? – деб ошхонадан чиқди она.

– Биласизми бугун нимани кўрдим?

– Нимани?

– Анави қўшнимиз Раъно опа бор-ку!

– Коллежда ўқийдиганми?

– Ҳа, ўша. Мактабдан қайтаётсам, панада бир йигит билан ёлғиз турган экан. Мени кўриб, тескари қараб олди, – деди бола оламшумул сирдан воқиф бўлгандек, хурсанд бўлиб.

– Бу гапни яна кимларга айтдинг? – деб сўради она.

– Бошқа ҳеч кимга айтмадим.

– Биласанми? Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Аллох унинг айбини дунё ва охиратда беркитади. Болам, бундай воқеаларни тез унутиб, истиффор айтиш керак, хўпми...

– У нима дегани?

Она фарзандига: “Астағфируллох, астағфируллох, астағфируллох. Ё Аллох, Раъно опанинг, ҳалиги йигитнинг ва бизнинг гуноҳларимизни кечиргин”, деб ғийбатининг каффоратини ўргатди.

Муҳаммад ЗИЁ